**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТОИРОВА ГУЛИ ИБРАГИМОВНА**

# ЎЗБЕК ТИЛИ МИЛЛИЙ КОРПУСИНИ ЯРАТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2021**

**УДК: 81`1:004=512.133**
**81'322.2**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**
**Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТОИРОВА ГУЛИ ИБРАГИМОВНА**

# ЎЗБЕК ТИЛИ МИЛЛИЙ КОРПУСИНИ ЯРАТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.DSc/Fil180 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Бухоро давлат университети веб-сайти (www.fdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|---|---|
| **Илмий раҳбар:** | **Менглиев Бахтиёр Ражабович**<br>филология фанлари доктори, профессор |
| **Расмий оппонентлар:** | **Муҳаммедова Саодат Худойбердиевна**<br>филология фанлари доктори, профессор |
| | **Каримов Суюн Амирович**<br>филология фанлари доктори, профессор |
| | **Ҳакимов Муҳаммадхон Хўжахонович**<br>филология фанлари доктори, профессор |
| **Етакчи ташкилот:** | **Термиз давлат университети** |

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.09 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «____»_____ соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865221-29-14; факс: +99865221-27-07, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган).(Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865221-29-14).

Диссертация автореферати 2021 йил «___»_____куни тарқатилди.

(2021 йил «_____»_____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси).

**Ражабов Д.З.**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори (DSc), профессор

**Эшонқулов Ҳ.П.**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари доктори (DSc), доцент

**Муродов Ғ.Н.**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори ( DSc), доцент

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида XXI асрнинг иккинчи ўн йиллигига келиб муайян тилни сақлаб қолишнинг, унинг ўрганилиш доирасини кенгайтиришнинг, тил имкониятларини намоён этишнинг асосий воситаси интернет тизимида тил корпусларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, бугунги кунда XX асрнинг буюк кашфиёти бўлган компьютер технологиялари бошқа соҳалар каби тилшунослик фани учун ҳам кенг имкониятлар эшигини очиши, ҳам унинг зиммасига компьютер тили билан боғлиқ улкан вазифаларни юклаши, компьютер лингвистикаси йўналишининг пайдо бўлиши табиий тилларнинг тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослигида тилни лингвистик моделлаштириш, сўзларни леммалаш ва теглар алгоритмини яратиш ҳамда миллий-маданий меросдан фойдаланиш имконини ошириш мақсадида муайян тилда яратилган оғзаки, ёзма ёдгорликлар, маънавий мерос намуналарини электронлаштириш ишлари қизғин тус олди. Компьютер технологиялари воситасида ахборотни қайта ишлаш, ахборот-ресурсларни жорий этиш учун зарур дастурий ҳамда методик таъминотни яратиш, интернет тизимида тил корпусини ва шу асосда миллий тил корпусининг илмий-назарий жиҳатларини ишлаб чиқишга алоҳида диққат қаратилмоқда.

Ўзбек тилшунослигида автоматик таржима қилиш, муаллифлик корпусининг лингвистик асосларини ишлаб чиқиш, лексикографик матнларга ишлов бериш ва лингвостатистик таҳлил этиш борасида бир қатор тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, “...давлат тилининг софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш; давлат тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашувини таъминлаш”[1]га алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбек тилининг халқаро миқёсдаги мақомини ошириш, уни жаҳон мулоқот тили даражасига кўтариш, ўзбек тилини чет элларда ўрганиш ва ўргатиш, миллий тилимизнинг имкониятларини кенгайтириш ва сайқаллаш ишлари ҳам бевосита миллий корпус орқали қулай амалга ошишини назарда тутсак, «ўзбек тили миллий корпусини яратишнинг назарий ва амалий масалалари»ни ҳал этиш долзарблик касб этади. Шу маънода, матн корпуси ҳамда миллий корпуснинг лингвистик асослари, унинг дастурий таъминотини яратиш технологияси юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4997-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони. Манба:// https://lex.uz/docs/5058351

«Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 984-сон «Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида», 2020 йил 29 январдаги 40-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссиясининг фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи[2].** Табиий тилларнинг формализацияси ва уларнинг процессорларини математик аппаратлар асосида компьютер моделларини яратиш, корпус ва унинг турларини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Принстон университети (АҚШ), Библиография институти (Германия), Оксфорд университети тил маркази (Англия), Монпелье университети (Франция), Уппсала университети (Швеция), Чарлз университети (Прага), Лингвистик тадқиқотлар институти (РАН), Компьютер лингвистикаси лабораториялари (РФ), Ломоносов номидаги Москва давлат университети (Россия), Ауезов номидаги Жанубий Қозоғистон давлат университети (Қозоғистон), шунингдек, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Бухоро давлат университети, Қарши давлат университети, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳон компьютер лингвистикасида корпусни тузиш, ўрганиш корпус лингвистикаси соҳаси ривожланишидан анча олдин бошланган. Чунончи, XVIII асрларда Библияга оид тадқиқотлар (мас., Cruden), луғатлар (Johnson, Oxford English Dictionary, Webster Dictionary), тилларни ўқитиш (частотный корпус Thorndike'a, 1921), Квирк корпуси (Survey of English Usage) шулар жумласидандир. Биринчи корпус АҚШдаги Браун Университетида 1960 йилларда яратилган Браун корпуси (Brown Corpus)дир. Браун тамойиллари бўйича яратилган Уппсала Корпуси (Уппсала Университети, Швеция) бўлса, Буюк Британияда Англия Банк лойиҳаси (Bank of English) ва Британия миллий корпуси (BNC) вужудга келди. Британия тамойиллари асосида кўплаб Европа тилларининг (испан, италян, хорват) миллий корпуслари

[2]Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.university ofcalifornia.edu, www.harvard.edu, www.indiana.edu, www.uni-bonn.de, www.krugosvet.ru.valentnost, www.scicenter.sintagmatika, www.philol.msu.ru/, https://iling.spb.ru/grammatikon, www.princeton.edu, https://bigenc.ru/linguistics/text/, www.navoiy-uni.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

яратилди. Табиий тилларнинг формализацияси ва уларнинг процессорларини математик аппаратлар асосида компьютер моделларини яратиш масалалари бўйича Наум Хомскийнинг тадқиқотлари амалга оширилган. Чарлотте Тайлор корпуснинг умумий ва махсус турлари мавжудлиги, махсус турдаги корпуслар жанр, услуб, даврларга кўра фарқланиши, ҳар икки турдаги корпус ўз навбатида диахрон ва синхрон шаклида бўлишини қайд этган.

Бугунги кунда жаҳон тилшунослигида миллий корпусларни яратиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: Польша миллий корпуси, Алма-ата қозоқ тили корпуси, Шарқий арман корпуси, Тожик тили миллий корпуси ва ҳоказо. Чарлз Меер (Cambridge University Press , 2004) корпус лингвистикасида тадқиқот олиб бораётган муайян кичик доирадаги тадқиқотга доир методологик усулни ҳам корпус деб номлаш мумкинлиги таклиф этади. Доуглес Бибер (Oxford university, 2015) корпус аналитик технологиянинг миқдор (статистик) ва сифат хусусиятларини ўз ичига олиши кераклигини таъкидлайди. М.З.Курди (Great Britain, 2016) корпусларнинг тематик кўламини матнларнинг соҳавий таснифига кўра мувозанатлашган, имконият даражасидаги корпус турларига ажратади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон тилшунослигида миллий корпусни яратиш, унинг аналитик технологиясини, корпус лингвистикаси соҳаси ривожланиш каби масалалар таҳлилида А.Н.Хомский, Г.Н.Луч, Л.Блумфилд, Ч.К.Фрайс, Ҳ.Бонджерс, Н.Френсис, Ч.Ф.Меер, Ж.Синклер, М.З.Курди кабиларнинг илмий изланишлари алоҳида эътирофга лойиқ [3].

Рус тилшунослигида эса бу борада В.Г.Бритвин, В.П.Захаров, И.А.Мелчук, А.Б.Кутузов, Р.Г.Котов, Л.И.Беляева, Е.В.Недошивина, В.В.Риков, В.Плунгян каби олимларнинг катта массивли матнлар мажмуаси, корпус тузиш принциплари, лингвистик маълумотлар базаси, корпус соҳасидаги мақсадли тадқиқотларини келтириб ўтиш ўринли [4].

---

[3] Chomsky N., The logical basis for linguistic theory, Proc. IXth Int. Cong, of Linguists, 1962; Leech G. The State of Art in Corpus Linguistics // English Corpus Linguistics / Aimer K., Altenberg K.(eds.) – London, 1991. – P. 8-29.; Блумфилд Л. Язык. – М.: «Прогресс», 1968. – 608 с.; Fries Ch.C. The structure of English. An introduction to the construction of English sentences. – L.,1969.; Bongers H. The history and principles of Vocabulary control. – Woerden: WOCOPI, 1947; Френсис Н., Кучера Г. Вычислительный анализ современного американского варианта английского языка. – М., 1967.; Синклер Д. Предисловие к книге «Как использовать корпуса в преподавании иностранного языка»/ Д.Синклер [Электронный ресурс]. – Режим доступа: http://www/ruscorpora.ru/corpora-infro.html, свободный; Charlez Meyer English corpus linguistics: An introduction. Cambridge University Press, 2004. 168 p.; Mohamed Zakaria Kurdi. Natural Language Processing and Computational Linguistics: Speech, Morphology and Syntax, Great Britain, USA: Wiley-ISTE, 2016, 300 p.

[4] Бритвин В.Г. Прикладное моделирование синтагматической семантики научно-технического текста (на примере автоматического индексирования). КД.- М.: МГУ, 1983; Мельчук И.А. Порядок слов при автоматическом синтезе русского слова (предварительные сообщения) // Научно –техническая информация. 1985, №12. – С.12-36.; Захаров В.П. Корпусная лингвистика: учебник для студентов гуманитарных вузов. – Иркутск, 2011. – 161 с.; Кутузов А.Б. Корпусная лингвистика. – [Электрон ресурс]: Лицензия Creative commons Attribution Share-Alike 3.0 Unported [Электрон ресурс] – //lab314.brsu.by/kmp-lite/kmp-video/CL/CorporeLingva.pdf; Котов Р.Г. Лингвистические аспекты автоматизированных систем управления. – Москва: Наука, 1977.; Беляева Л.И., Чижаковский В.А. Тезаурус в системах автоматической переработки текста. – Кишинев, 1983.; Недошивина Е.В. Программы для работы с корпусами текстов: обзор основных корпусных менежеров. Учебно-методическое пособие. – Санкт-Петербург. − 2006. 26 с.; Рыков В.В. Курс лекций по корпусной лингвистике. URL: http://rykov-cl.narod.ru/c.html; Плунгян В. Зачем мы делаем

Ўзбек тилшунослигида матнни лингвостатистик таҳлил этиш, унга лексикографик ишлов бериш, автоматик таҳрир қилувчи дастурнинг лингвистик таъминотини, таҳрир ва таҳлил қилувчи дастурнинг лингвистик модуллари, миллий корпусининг синоним сўзлар базаси, муаллифлик корпусининг лингвистик асослари борасида Х.Исхакова, С.Муҳаммедов, С.Ризаев, С.Муҳаммедова, Б.Менглиев, Д.Ўринбоева, А.Пўлатов, У.Дысимова, Г.Валиева, Г.Жуманазарова, Н.Абдураҳмонова, Ш.Ҳамроева, М.Абжалова, А.Эшмўминовларнинг ишлари диққатга сазовор[5].

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон тилшуносларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, ўзбек тили миллий корпусини яратишнинг назарий ва амалий масалалари монографик тарзда текширилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбек тилшунослигида тил, шахс ва жамият муносабатлари тадқиқи муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган (2017-2021 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек тили миллий корпуси лингвистик базасини шакллантиришнинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

яратилган дунё корпуслари, жумладан рус тили миллий корпуси ҳамда туркий тилларда яратилган (қозоқ, татар, турк тиллари) тажрибаларини ўрганиб, ўзбек тили миллий корпуси тузишнинг умумий тамойилларини аниқлаш;

---

Национальный корпус русского языка? [Электрон ресурс] «Отечественные записки» 2005, –№2. http://magazines. russ.ru/oz/ 2005/2/2005_2_20-pr.html

[5] Исхакова Х.Ф. Исследования в области формальной морфологии тюркских языков (на материале татарского литературного языка в сопоставлении с турецким и узбекским). Канд.дис…филол.наук.–М., 1972.; Муҳаммедов С.А. Статистический анализ лексико-морфологической структуры узбекских газетных текстов: Автореф. дисс… канд. фил. наук. – Ташкент, 1980.; Ризаев С. Ўзбек тилининг лингвостатистик тадқиқи: Фил.фан.док.дис…автореф. – Тошкент, 2008.; Муҳаммедова С. Ҳаракат феъллари асосида компьютер дастурлари учун лингвистик таъминот яратиш. Методик қўлланма. –Тошкент, 2006.; Ўринбоева Д.Б. Ўзбек фольклори матнларининг лингвостатистик тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2010.; Пўлатов А. Компьютер лингвистикаси. – Тошкент: Akademnashr, 2011.-500 б; Дысимова У. Матндаги феълларни автоматик таҳрир қилувчи дастурнинг лингвистик таъмини (расмий-идоравий услубдаги матнлар асосида). Магистрлик дисс.–Тошкент, 2002, 56 б.; Валиева Г. Расмий-идоравий услубнинг лисоний бирликларини моделлаштириш. Магистрлик диссер.. –Тошкент, 2003, 60 б.; Норов А. Компьютер лингвистикаси асослари. – Қарши, 2017. – 136 б.; Жуманазарова Г.У. Фозил Йўлдош ўғли достонлари тилининг лингвопоэтикаси: Фил. фан. док. дис…автореф. –Тошкент, 2017.; Б.Менглиев Ўзбек тили миллий корпуси. 2018 йил, 26 апрель, http://marifat.uz/marifat/ruknlar/fan/1241.htm ;Абдурахмонова Н.З. Инглизча матнларни ўзбек тилига таржима қилиш дастурининг лингвистик таъминоти (Содда гаплар мисолида). Филол.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD)…дис. автореф. – Тошкент, 2018.; Ҳамроева Ш. Ўзбек тили муаллифлик корпусини тузишнинг лингвистик асослари. Филол.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD)…дис. автореф. – Қарши, 2018.; Абжалова М. Ўзбек тилидаги матнларни таҳрир ва таҳлил қилувчи дастурнинг лингвистик модуллари (Расмий ва илмий услубдаги матнлар таҳрири дастури учун)**.**Филол.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD)…дис. автореф. – Фарғона, 2019.; Эшмўминов А.Ўзбек тили миллий корпусининг синоним сўзлар базаси. Филол.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD)…дис. автореф. – Қарши, 2019.

корпус учун матнларни тайёрлаш жараёнини тавсифлаш, теглашнинг мавжуд стандартлари ва технологияларини моделлаштириш йўлларини асослаш;

миллий корпус ҳамда электрон манбаларининг компьютер форматида ва интернет тармоғи уланганлик, зарур маълумотларнинг нусхасини дискка ёки қоғозга кўчириб олиш каби ўхшаш ҳамда сўзларни автоматик таҳлил қилиш, уни тўлдириш, тузатиш, таҳрир қилиш, қидирув тизимининг мавжудлиги каби фарқли томонларини ёритиш;

миллий корпуснинг маълумотлар базасини шакллантириш ва тизим архитектураси сўз шакли ёки лемма бўйича гибрид излаш каби турини аниқлаш;

миллий-маданий меросдан фойдаланиш имконини ошириш мақсадида ўзбек тилда яратилган оғзаки матн, ёзма ёдгорликлар, шу тилда яратилган барча илмий, назарий ва амалий ҳамда маънавий мерос намуналарини электронлаштириш бўйича тамойилларини ишлаб чиқиш;

тилни сақлаб қолиш ва унинг ўрганилиш доирасини кенгайтириш, тил имкониятларини намоён этишнинг асосий воситаси интернет тизимида тил корпусларини яратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» ва ўзбек тилидаги матнлар танланди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни миллий корпус яратишда лингвистик база, корпус интерфейси, корпус бирликлари, корпус разметкасини моделлаштириш, лемма ва теглар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида рационал-типологик, қиёсий-чоғиштирма, субстанциал, дискурсив таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўзбек тилидаги сўзшаклларни, лексик бирликларни грамматик тавсифлаш асосида ўзбек тили миллий корпусини яратиш технологияси, миллий корпусда маълумотларни тақдим этиш тамойиллари назарий жиҳатдан асосланган;

миллий корпус разметкасининг SGML/XML тилига асосланган мавжуд стандартлари моделлаштириш йўлларини тартибга солувчи оддий матн, сарлавҳа, шеърий парчага оид қолиплар назарий хулоса асосида далилланган;

ўзбек тили миллий корпусининг лингвистик базасини тўлдирувчи матнларни разметкалаш формати, лексик маълумотни кодлаш талаблари ҳамда сўз бирикмаси, қўшма сўз ясалишида лингвистик моделлардан фойдаланиш имконияти аниқланган;

ўзбек тили миллий корпусининг лингвистик базасини тўлдирувчи матнларни тайёрлаш жараёнида: матнни олдиндан қайта ишлаш, уни белгилаш, корпусга киришни таъминлаш, уларни тез равишда кўп параметрли қидириш ва статистик ишлов бериш каби босқичлар орқали корпус-менежер тизими ҳамда корпус интерфейсини шакллантириш назарий жиҳатдан асосланган;

миллий корпусининг яратилиши муносабати билан таълим-тарбия жараёнининг юқори самарали виртуал муҳитини яратиш, компьютер

технологиялари воситасида ахборотни қайта ишлаш таҳлиллари асосида универсал имкониятларга эга кичик ҳажмли online лойиҳа яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

миллий корпус интерфейсини лойиҳалаштиришнинг назарий жиҳати ишлаб чиқилган;

ўзбек тили («Ўзбек тилининг изоҳли луғати»)даги сўзларни морфологик, семантик, синтактик разметкалаш ҳамда лингвистик моделлаштириш усулларининг назарий ва амалий масалалари очиб берилган;

миллий корпус менежери, маълумотлар базаси ва тизим архитектурасининг лойиҳаси яратилган;

синтактик белгилаш, синтактик алоқаларни ўрнатиш тадбирлари ва сўз ёки ибораларга маълум бир синтактик белгиларни тақаш амали ишлаб чиқилган;

корпус тилшуносларнинг зарурий иш қуроли, оғзаки ва ёзма ёдгорликлар, миллий-маданий меросни акс эттирувчи ахборот манбаи, миллий тилни йўқолиш хавфидан сақловчи, миллатнинг мавжудлигини жаҳонга танитувчи восита сифатидаги масалаларни ўрганишда амалий аҳамиятга эга эканлиги асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ўзбек тилида яратилган оғзаки, ёзма ёдгорликлар, шу тилда яратилган барча илмий, назарий ва амалий ҳамда маънавий мерос намуналарини электрон кўринишдаги ўзбек тили миллий корпусини яратиш каби муаммонинг аниқ қўйилганлиги, ишнинг ўрганилиш доираси аниқ белгиланиши, назарий маълумотлар ва фактик материаллар ишончли илмий манбалардан олинганлиги, қиёсий-тарихий, тавсифлаш, лингвокультурологик, компонент таҳлил усуллари воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тили миллий корпусини яратиш, компьютер лингвистикаси йўналишидаги тадқиқотларнинг юзага келиши, ўзбек тилининг интернет тизимидаги электрон-маълумотлар базаси сифатидаги тараққиётини тадқиқ этишга оид назарий хулосалардан тилшунослик йўналишларидаги ишларда манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан «Компьютер лингвистикаси» лабораториясини яратиш, «Компьютер лингвистикаси», «Машина таржимаси», «Корпусга асосланган таржимашунослик» каби махсус курсларни ўқитиш, ўзбек тилининг халқаро миқёсдаги мақомини ошириш, уни жаҳон мулоқот тили даражасига кўтариш, ўзбек тилини чет элларда ўрганиш ва ўргатиш, миллий тилимизнинг имкониятларини кенгайтириш ҳамда сайқаллаш ишлари орқали миллий корпус тузишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши**. Ўзбек тили миллий корпусининг назарий ва амалий жиҳатларини аниқлаш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

миллий корпус разметкасининг SGML/XML тилига асосланган мавжуд стандартлари моделлаштириш йўлларини тартибга солувчи оддий матн, сарлавҳа, шеърий парчага оид қолиплар ҳамда таълим-тарбия жараёнининг юқори самарали виртуал муҳитини яратиш асосида масофали электрон таълимни жорий этиш каби хулосалардан А5-037-рақамли «АКТ соҳасидаги касб-ҳунар коллежлари учун масофавий таълим электрон тизимини ишлаб чиқиш» номли фундаментал лойиҳада (2015-2017) фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 9 февралдаги 89-03-763-сон маълумотномаси). Натижада сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш ҳамда ахборот-ресурсларни жорий этиш учун зарур дастурий ҳамда методик таъминотни яратиш бўйича хулосалар чиқаришга эришилган;

ўзбек тили миллий корпусининг лингвистик базасини тўлдирувчи матнларни тайёрлаш жараёнида: матнни олдиндан қайта ишлаш, уни белгилаш, корпусга киришни таъминлаш, уларни тез равишда кўп параметрли қидириш ва статистик ишлов бериш ҳақидаги назарий хулосалардан ОТ-Ф1-002 рақамли «Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг психологик механизмлари» номли фундаментал лойиҳада (2017-2020 йй.) фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 9 февралдаги 89-03-763-сон маълумотномаси). Натижада миллий-маданий меросдан фойдаланиш имконини ошириш мақсадида муайян тилда яратилган оғзаки, ёзма ёдгорликлар, маънавий мерос намуналарини электронлаштириш хусусиятларини очиб беришга хизмат қилган;

ўзбек тили миллий корпусининг лингвистик базасини тўлдирувчи матнларни разметкалаш формати, лексик маълумотни кодлаш талаблари ҳамда сўз бирикмаси, қўшма сўз ясалишида лингвистик моделлардан фойдаланиш каби хулосалардан Ф1-ФА-0-13229-рақамли «Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши» мавзусидаги фундаментал лойиҳада (2012-2016 йй.) фойдаланилган (ЎзР ФА Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 21 январдаги 292/1-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа янги илмий-назарий маълумотлар билан бойитилган;

ўзбек тили миллий корпусини яратиш технологиясининг назарий ва амалий жиҳатдан асосланган «Ўзбек тили миллий корпусини яратишнинг назарий ва амалий масалалари» деб номланган монографиясидан 5А120102 – Лингвистика (ўзбек тилшунослиги) мутахассислиги учун «Корпус лингвистикасига кириш» фани бўйича маъруза ва амалий машғулотларда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 9 февралдаги 89-03-763-сон маълумотномаси). Натижада корпус учун матнларни тайёрлаш жараёнини тавсифлаш, теглашнинг мавжуд стандартлари ва технологияларини моделлаштириш йўлларини асослашга хизмат қилган;

корпус лингвистикаси ва унга турдош соҳалар атамалари асосида олий таълим тизими 5А120102 – Лингвистика (ўзбек тилшунослиги) мутахассислиги ва соҳа мутахассисларига мўлжалланган «Корпус

лингвистикасининг атамалар луғати» (ISBN 978-620-0-61316-5) нашр қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 9 февралдаги 89-03-763-сон маълумотномаси). Натижада йиғилган материаллар асосида ўзбек тили миллий корпусини яратишда ва «Корпус лингвистикаси» курсини ўқитишда мавжуд 257 та сўзни қамраб олувчи ҳамда ўзбек лексикографияси фондини тўлдиришга хизмат қиладиган луғат яратилган;

ўзбек тилидаги сўзшаклларни, лексик бирликларни грамматик тавсифлаш асосида ўзбек тили миллий корпусини яратиш технологияси, миллий корпусда маълумотларни тақдим этиш тамойиллари каби хулосалардан 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (рус тили) таълим йўналиши талабаларига мўлжалланган «O`zbek tili» номли дарслигида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 9 февралдаги 89-03-763-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек тили миллий корпуси яратишнинг назарий асослари ишлаб чиқилган;

ўзбек тилида яратилган оғзаки, ёзма ёдгорликлар, маънавий мерос намуналарини электронлаштириш бўйича тамойилларини ишлаб чиқиш, компьютер технологиялари воситасида ахборотни қайта ишлаш, машина таржимаси, электрон луғатшуносликни ривожлантириш, тезауруслар тузиш, интернет тизимида тил корпусини яратиш каби илмий қарашлардан «Бухоро» телерадиоканалининг «Менга сўз беринг», «Адабий муҳит», «Долзарб мавзу» дастурлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 11 декабрдаги 1-450-сон маълумотномаси). Натижада тилда яратилган оғзаки, ёзма ёдгорликлар, маънавий мерос намуналарини электронлаштириш, миллий тил корпусини яратиш, ўзбек тилини интернет «тушунадиган» тилга айлантириш ҳақидаги маълумотлар радиоканал ижодий жамоасининг мавзу доирасида чуқурроқ мулоҳаза юритиши учун замин яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси**. Тадқиқот натижалари 20 та, жумладан, 8 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 44 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола (8 та республика, 6 та хориж), шулардан 2 та илмий мақола халқаро журнал ва Scopus базасидаги журналларида 4 та мақола чоп эттирилган. Натижалар 1 та дарслик ва 1 та ўқув қўлланма, 1 та луғат, 1 та монография ҳамда 4 та усулий қўлланмаларда ўрин олган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 251 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Миллий корпус – ўзбек тилининг электрон лингвистик манбаси сифатида»** деб номланган биринчи бобида ўзбек тилининг интернет ва электрон тилга айланиши, миллий тилининг электрон ресурсларини (ўзбек тили корпуси, электрон луғатлари, интернет саҳифаларидаги матнлар) ва технологияларини такомиллаштириб, уларни яратиш зарурати ва унинг аҳамияти, сунъий интеллект ва электрон манбалар, корпус тушунчаси ва унинг электрон кутубхонадан фарқи, миллий корпус дунёда яратилган корпусларининг умумий ва фарқли жиҳатлари таҳлили каби назарий масалалар ёритилган. Ушбу бобнинг *«Сунъий интеллект ва электрон манбалар»* номли биринчи фаслида сунъий интеллект орқали тилнинг имкониятларидан фойдаланиш борасида замонавий ахборот технологиялари бениҳоя кенг қулайликлар эшигини очганлиги, у инсон онги бажариши мумкин бўлган бир қанча вазифаларни бажара олаётганлиги, сунъий интеллект маҳсули бўлмиш электрон манбалар инсонга зарар етказмаслик ва инсонларнинг оғирини енгиллаштириш мақсадида яратилаётганлиги ҳақида фикр билдирилган. Компьютер технологиясининг ривожланиши электрон луғатлар, таржима порталлари, терминологик маълумотлар банки, виртуал (электрон) кутубхона, электрон матнли корпуслар, электрон ҳукумат, электрон нашр, электрон дарслик ва қўлланмалар каби электрон манбаларнинг яратилишига асос бўлди. Сунъий интеллект турли амалларни бажаришга мўлжалланган алгоритм ҳамда дастурий тизимлардан иборат ва у инсон онги бажариши мумкин бўлган бир қанча вазифаларнинг уддасидан чиқа олади.

Инсониятнинг тафаккури ва сунъий интеллект тизимини солиштирадиган бўлсак, қуйидаги хулосага келиш мумкин: инсон тафаккури ижод қилувчи, мослашувчан, ҳиссий идрокдан фойдалана оладиган, ҳар томонлама, кенг қамровли билимдан фойдаланувчи устунликларга эга. Унда қуйидаги камчиликлар мавжуд: мураккаб ўтказувчан (ифодаловчи), тез ҳужжатлаштира олмайди, инсон тафаккури барқарор эмас. Ахборот (маълумот) қидирув тизими эса доимийлик, осон ифодаланувчанлик ва бир хиллик хусусиятига эгалик, осон ҳужжатлаштира олиш каби устунликларга эга. Шунингдек, унда бир қатор камчиликлар ҳам мавжуд, чунончи, сунъий, тор йўналишли, олдиндан дастурлаштирилади, айтиб туриш керак, белгили идрокдан ва махсус билимдан фойдаланади. Ишда ҳар иккала тизимнинг афзалликлари ва камчиликларини таҳлил қилиб, инсон тафаккурининг асосий афзалликлари, жумладан у кўп соҳада, масалан, ижодкорликда,

топқирликда, маълумот узатишда ва умуман мазмунан сунъий интеллектдан устун эканлиги далилланади.

Бобнинг *«Корпус лингвистикасида корпус терминига оид маълумотлар таҳлили»* деб номланган иккинчи фаслида корпус – электрон шаклда мавжуд бўлган матнларни, ҳужжатларни маълумотларни қайта ишлаш, уларни автоматик таҳлил, яъни морфологик, синтактик ва семантик таҳлил қилиш, морфологик анализ ва синтез қилиш билан бирга, ярим автоматик режимда маънони бузмасдан ишончли нутқ материалини мослаштириш даражасини текширишувчи мослама эканлиги таъкидланади. Лингвистик корпус – мавжуд маълумотларни матн ҳолида тақдим этибгина қолмай, матнни автоматик анализ, синтез қилиш таҳлилий хусусияти билан электрон кутубхонадан афзалроқ эканлиги ҳақида фикр юритилади.

Электрон кутубхона ва тил корпусининг фарқли томонлари: электрон кутубхонанинг қидирув бирлиги бу – асарнинг яхлит матнидир. Ундан маълум бир асарни қидириш мумкин. Интернетдан маълумотни автоматик қидиришни таъминлайдиган манба электрон ёки виртуал кутубхона ҳисобланади. Ҳозирда бундай кутубхоналарни турли-туман ном билан атайдилар. Масалан, “электрон кутубхона”, “виртуал кутубхона”, “е-кутубхона”, “e-library”, “digital library” каби. Бундай кутубхонада китоблар, газета ва журналлар китоб шкафларида эмас, балки компьютер хотирасидан ўрин олган. Босма, аудио(овозли), видео(кўринишли) ва мультимедиа(ҳаракатли) маълумотлар компьютернинг қурилмасида рақамли форматда сақланадиган маълумотлар тўплами кўринишида бўлади. Маълумотлар ҳажмининг катта кичиклигига қараб, тизимли сервер битта ёки бир неча тармоқларга уланган компьютерлар орқали ишлайди. Бу кутубхона маълумотлари электрон кўринишда бўлиб, компьютерлардан жой олади. Масалан, дунёнинг ихтиёрий нуқтасидан туриб, албатта, интернет мавжуд бўлган жойдан электрон кутубхона маълумотларидан фойдалана олиш, зарур маълумотларнинг нусхасини дискка ёки қоғозга кўчириб олиш учун компьютер ва у билан боғлиқ мосламалар бўлса кифоя. Бир неча дақиқада маълумот компьютер экранида намоён бўлади. Бунга фақат компьютер ва махсус интернет тармоқ орқали эришиш мумкин. Бир неча йил аввал бир мақолани ёки унга тегишли бирор фикрни топишга бир неча ой вақт сарфлаш зарур эди. Бугун бунинг учун қайсидир кутубхонага ёки бошқа шаҳарга бориш ва вақт сарфлаш машаққати йўқолди. Чунки қулайлик сифатида электрон кутубхоналар яратилди. Электрон кутубхонанинг одатдаги кутубхоналардан бир қанча афзалликлари бор. Масалан, жойнинг тежалиши, яъни электрон кутубхонанинг турли маълумотлари интернет саҳифасида жамлангани боис китобларни сақлаш учун махсус жойга зарурат йўқ. Бу саҳифани кутубхоналардаги махсус марказ мутахассислари маълумотларни мунтазам равишда компьютерга киритиб, йиғиб ва тўлдириб боради. Корпуснинг қидирув бирлиги эса тил бирлиги ва нутқ бирлиги шаклида бўлиши мумкин. Бундай матндан фақат ўқиш учунгина фойдаланиш эмас, балки бу матнларнинг турли грамматик изоҳлари мавжудлиги сабабли улар устида лингвистик амаллар бажара олиш мумкин. Унинг тезаурусдан фарқи шундаки, тезаурусда тушунча асосида қидирув амалга оширилса, корпусда

эса сўзшакл ва унинг қўлланиш матни қидирилади. Корпус турли хил луғатларни (частота, топонимлар, грамматик сўзлар, иборалар ва ҳоказо) ўз ичига олган лексикографик бирлик сифатида устунлик қилади. Корпус замонавий луғатчиликда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун у катта ҳажмли луғатларни тузиш учун манба вазифасини ўтайди. Вақт ўтиши билан корпус турли лингвистик йўналишлар учун зарур бўлиши билан катта (кенг) ахборот ресурсига айланиб боради. Корпус асосида луғатлар аввалгига нисбатан тезлик билан тузилади ва қайта ишланади. Корпус иш тизимида мавжуд матнлар саралаш хусусиятига эга. Тадқиқотчи ўзи учун керакли бўлган мисолни барча матнлардан эмас, балки тадқиқот учун аҳамиятли, зарур бўлганини ажратиш имконига эга бўлади. Электрон кутубхона эса санаб ўтилган хусусиятларга эга эмас.

Бобнинг *«Амалдаги дунё корпусларининг умумий ва фарқли жиҳатлари»* деб номланган учинчи фаслида интернет тизимида жойлашган 19 та тил корпусларининг тавсифи таҳлилга тортилган.

Дунёда яратилган корпусларни тузиш мезонлари қуйидагилар: матннинг яратилиши ва таркиби, синхронлаштириш, турли жанрларнинг тақдим этилиши, матнларнинг сонлари нисбати ва махсус эҳтимоллик амаллари асосида алоҳида матнларни саралаш, компьютер таҳлили учун матнларнинг қулайлиги (матнлараро ўзига хослигини етказиш учун махсус белгилар қўйиб чиқиш) эътиборга олинган.

Ҳозирда фаолиятда бўлган корпуслар тилдан фойдаланишда унинг статистик анализи, табиий тилни қайта ишлаш (NLP) дастурий таъминоти, лексик ресурларни яратиш, тил ўқитишда ёки ўрганиш каби мақсадларда қўлланилади. Шу ўринда таъкидлаш жоиз, М.Абжалова томонидан табиий тилни қайта ишлашда таҳрир ва таҳлил дастурларининг лингвистик модуллари яратилган, матнларни графематик, морфологик ва синтактик таҳлил қилиш жараёнлари тадқиқ этилган[6]. Корпус таркибига тақдим этилган матнлар тилнинг динамик ҳолатини тадқиқ қилишда ёки лингвистиканинг турли соҳа предметига кўра анализ қилишда муҳим ҳисобланади.

Дунё корпуслари ва яратилган корпусларнинг йиллар бўйича тақсимоти[7], матн корпуслари яратишнинг асосий даврлари, инглиз ва рус тили корпуслари, уларнинг турли таснифи[8] корпус лингвистикаси бўйича олиб борилган тадқиқотларда ўз аксини топган. Ўзбек тилшунослигида ва компьютер лингвистикаси соҳасида амалга оширилган тадқиқотларда яратилган дунё корпусларининг айримлари ҳақида маълумот берилган, аммо тадқиқотлардаги таснифлар тўлиқ ёритилмаган. Шу боис ушбу бобда мавзу моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, яратилган тил корпусларининг, жумладан, 19 та дунё корпусларининг интернет тизимидаги жойлашуви, ишлатиш тили, яратилган йили, қўлланилган сўз миқдори, статистик анализи, табиий тилни қайта ишлаш (NLP) дастурий таъминоти, лексик ресурларни яратиш, 19 та

[6] Абжалова М. Таҳрир ва таҳлил дастурларининг лингвистик модуллари: Монография – Т., 2020. – 176 б.

[7] Эшмуминов А. Ўзбек тили миллий корпусининг синоним сўзлар базаси. Филол.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD)…дис. автореф.. – Тошкент 2019.

[8] Ҳамроева Ш. Ўзбек тили муаллифлик корпусини тузишнинг лингвистик асослари. Филол.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD)…дис. автореф. – Тошкент, 2018.

дунё корпусларининг тил ўқитишда ёки ўрганишдаги муштарак ва фарқли жиҳатлари таҳлил этилган.

Бобнинг *«Ўзбек тилшунослигида миллий корпуснинг лингвистик мақоми хусусида»* деб номланган тўртинчи фаслида миллий тилни йўқолиш хавфидан сақловчи, миллатнинг мавжудлигини жаҳонга танитувчи восита сифатида корпус – лингвистик хазина эканлиги илмий асослаб берилган.

Корпус бу сўзлар, сўз бирикмалар, грамматик шакллар маъносини маълум бир излаш тизими орқали топишнинг электрон шаклдаги матнлар тўпламидир. Корпусларнинг ҳар хил турлари мавжуд. Масалан, бир муаллиф корпуси[9], бир китоб корпуси (жумладан дастлабки корпуслар “Библия” учун қилингандир). Маълум бир тилнинг миллий корпуси шу тилнинг барча қирраларини, жанрларини, усулларини, худудий ва ижтимоий вариантларини ўзида ифода этади.

Лингводидактика сифатида тил корпуси она тили ва хорижий тилни ўрганишда бирдек аҳамиятли. У таълим олиш самарадорлигини ошириш учун янги имкониятлар эшигини очиб беради. Корпус орқали жуда осонлик билан кам ишлатиладиган сўз, ибора ҳамда сўз бирикмасини топиш ёки унинг қўлланиши ва имлоси (орфографияси) билан боғлиқ муаммо жуда қисқа муддат ичида ҳал этилади. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, тил корпусидаги маълумотлар грамматика ёки дарсликда тавсифланганидек эмас, балки жамиятда қандай яшаса, шундай борича акс этади. Бу эса умумхалқ тили ва адабий тилни ўрганишда энг сермаҳсул восита сифатида хизмат қилади. Бугун грамматика билан шуғулланувчи олимдан кўра оддий тадқиқиотчи маълум бир сўз, ибора ёки конструкциянинг қўлланилиш ҳолати, даражаси, ким, қачон илк марта бу тузилмани қўллаганлиги, қандай услуб учун хосланишини билишга кўпроқ эҳтиёж сезади. Корпус эса мана шу каби муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилгандир.

Миллий корпус мавжуд тилнинг лексикаси ва грамматикасини ўрганиш учун зарур. Корпуснинг бошқа вазифаси эса кўрсатиб ўтилган тилшуносликнинг сатҳ ва соҳалари бўйича (лексикология, акцентология, тил тарихи) тегишли маълумотларни етказиб беришдир. Тилнинг электрон корпуси – нафақат тилшунослар, балки ўзбек тилидан фойдаланувчи барча кишилар: турли соҳа мутахассислари, олимлар, сиёсатчилар, луғатшунослар, тадқиқотчилар учун фойдали. У ҳар хил мақсадларда ишлатилиши мумкин бўлган кенг қамровли универсал ахборот-қидирув тизимидир.

Миллий корпусни яратиш – статистик тадқиқ методи, компьютер таржимаси, нутқни синтезлаш ва уни таниш, орфографик текширув каби лингвистик амалларни бажариши корпус лингвистикасининг кейинги тараққиёт босқичини амалга оширишга кўмаклашади.

Ишнинг **«Миллий корпус тузишнинг умумий тамойиллари ва маълумотларни тайёрлаш технологияси»** деб номланган иккинчи боби уч фаслдан иборат. Унда миллий корпус тузишнинг умумий қоидалари, корпусда маълумотларни тақдим этиш тамойиллари, корпус учун матнларни тайёрлаш технологиясининг илмий жиҳатлари асослаб берилган.

[9] Қаранг: Ҳамроева Ш. Ўзбек тили муаллифлик корпусини тузишнинг лингвистик асослари. Филол.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD)…диссер. автореф. – Тошкент, – 2018

Бобнинг «*Миллий корпус тузишнинг умумий қоидалари»* деб номланган биринчи фаслида тўпланган материалларни, машина сақловчиларига (компьютерларга) жойлаштириш; электрон қидирувга (морфологик, синтактик сатҳда) имкон берадиган ўзига хос белгилар ва репрезентативлиги корпуснинг (тилдаги кўплаб жанрларнинг асл ҳолида тўлиқ акс этиш) муҳим омил эканлиги назарий жиҳатдан ўрганилган. Корпус структураси, дастурнинг интерфейси, дастур ишлашининг алгоритми, натижаларни келтириб чиқариш технологияси қандай амалга ошириш мумкинлиги хусусидаги таклифлар берилган.

Корпус яратишнинг технологик жараёни тўғрисида В.В.Рыков[10], Ю.Н.Марчук[11], И.А.Мельчук[12], Ш.Ҳамроева[13]ларнинг технологик жараён босқичларини қўллаб-қувватлаган ҳолда қуйида ўзбек тили миллий корпусининг технологик жараён босқичларини таклиф этамиз:

*1.Матнни олдиндан қайта ишлаш босқичи*. Ушбу босқичда турли манбалардан олинган барча матнлар имловий тузатилади ва таҳрир қилинади. Матн библиографик ва экстралингвистик тавсифга тайёрланади.

а) конверсия ва график таҳлил қилиш босқичи. Аксарият матнлар дастлабки қайта ишлаш жараёнида кўриб чиқилади. Хусусан, тилининг компьютер формати учун кодлаш ва автоматик таҳлил учун зарур бўлмаган элементлар (расмлар, жадваллар) ҳамда матндаги таг ости чизиқлар олиб ташланади.

б) *автоматик маркировка босқичи*. Бунда автоматик маркировка натижаларини тўғирлаш, яъни хатоларни тузатиш ва ажратиш амалга оширилади (қўлда ёки ярим автоматик).

*2. Матнни белгилаш босқичи*. Ушбу босқичда корпуснинг зарурий маълумотлари (метадата) киритилади. Корпус матнларининг мета-тавсифи: библиографик маълумотлар, матннинг жанри ва услуб хусусиятларини тавсифловчи белгилар, муаллиф ҳақидаги маълумотлар ва бошқаларни ўз ичига олади. Ушбу маълумотлар одатда қўл меҳнати орқали киритилади. Матннинг таркибий қисмлари (параграфлар, жумлалар, сўзларни танлаш) ва соф лингвистик белгилари кўпинча автоматик равишда амалга оширилади.

3. *Корпусга киришни таъминлаш босқичи*. Корпус дисплейи қуйидаги кўринишда: CD-ROMда тарқатилиши ва глобал тармоқ режимида мавжуд бўлиши мумкин. Фойдаланувчиларнинг турли тоифаларига турли хил ҳуқуқларга ва хилма хил имкониятларга эга бўлади.

*4. Якуний босқич* – тегли матнларни тезкор равишда кўп параметрли қидириш ва статистик ишлов беришни таъминлайдиган ихтисослаштирилган лингвистик маълумот олиш тизимининг таркибига ўзгартириш (корпус менежери) киритиш босқичи.

---

[10] Рыков В.В. Курс лекций по корпусной лингвистике. URL: http://rykov-cl.narod.ru/c.html.

[11]Марчук Ю.Н. Основы компьютерной лингвистики. - М.: Изд-во МПУ, 2000.

[12] Мельчук И.А. Порядок слов при автоматическом синтезе русского слова (предварительные сообщении) / Научно-техническая информация. 1985, № 12. – С.12-36

[13] Ҳамроева Ш. Ўзбек тили муаллифлик корпусини тузишнинг лингвистик асослари. Филол.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD)…диссер.–Қарши, 2018. -Б.45.

Албатта, ҳар бир ҳолатдаги босқичларнинг таркиби ва сони юқорида санаб ўтилганлардан фарқ қилиши ва реал технология анча мураккаб бўлиши ҳам мумкин.

Бобнинг «*Корпусда маълумотларни бериш тамойиллари*» деб номланган иккинчи фаслида Р.Г.Пиотровский, Д.Н.Лавров ва унинг шогирдлари томонидан матн танлаш, корпусдан маълумотларни тақдим этиш тамойилларини ишлаб чиқилганлиги[14], уларнинг тажрибаларига таянган ҳолда ўзбек тили миллий корпуси учун маълумотларни кодлаш форматига қўйиладиган талаблар тавсифлаб берилган. Ушбу фаслда ўзбек тили миллий корпусининг қидирув тизимига бўлган асосий талаблар қуйидагича ифодаланган:

1) сўз ва сўз бирикмасини уларнинг белгилари (грамматик, семантик ва б.қ)га қараб қидириш;
2) матн (нутқ ёки асарнинг тугал фикр англатувчи парчаси) ва сўзлар орасидаги масофани ҳисобга олиш;
3) метаматнли маълумотни қидириш;
4) тараққий этган тил талаблари, ўз ичига мантиқий боғламалар, қавс ва матн операторларни қамраб олиш;
5) индексациялаш самарадорлиги;
6) энг мураккаб саволга юқори тезликда жавоб топиш;
7) кенг кўламлилик, энг катта ҳажмгача сўзларни ишлатиш (юз миллионлаб сўзларни ишлатиш).

Корпус маълумотларини кодлаш энг нуфузли стандартлар асосида ишланади. Чунончи, TEI (Text Encoding Initiative), XCES (XML Corpus Encoding Standard), EAGLES (European Advisory Group on Language Engineering Standards. Миллий корпуснинг маълумотларини тақдим этишда лингвистик ахборотни ташувчи матн разметкаси SGML/XML тили негизида амалга оширилади.

Корпусда асосан икки турдаги матн маълумоти тақдим этилади:

*А. Катта массивли матн маълумоти.* Матнни тўлиқ ифодалайдиган белгиларни қамраб олган: муаллиф номи, унинг жинси, туғилган санаси, матн сарлавҳаси, матн яратилиш вақти, сўзлар ҳажми, тематикаси, матн тури, услуби, қўлланилиш соҳаси ва ҳ.к.

*В. Лексик маълумот.* Лексик маълумот қуйидаги белгиларни ўз ичига олган: алоҳида сўзларни ифодалайди, яъни матнлар корпусида аниқ бир жойда сўз шаклини ишлата олади. Бунга қуйидагилар киради:

*В.1. Морфологик белгилар:*

- лексема (сўз шакли);
- лексеманинг грамматик белгилари (сўз туркуми, жонли нарсалар, ўткинчи ҳодисалар);
- сўз шаклнинг грамматик белгилари (сон, келишик, майл, вақт, шахс).

[14] Шаров С.А. Представительный корпус русского языка в контексте мирового опыта. (Электрон ресурс. https//lamb.viniti.ru) Лавров Д.Н., Харламова М.А., Костюшина Е.А. Модель представления экстралингвистической и тематической разметки в корпусе народной речи // У1-я Междунар. науч. конф. «Математическое и компьютерное моделирование», посвящ. памяти проф. Б.А. Рогозина. 23 ноября 2018. — С. 115-118.; http://ruscorpora.ru/new/sbornik2005/11polyakov.pdf

*В.2. Семантик белгилари:*

семантик разряд, таксономик синф, мереология, баҳо, каузация, сўз ясовчи алоқалар ва б.[15].

Корпусда матн абзацлар кетма-кетлигидан иборат бўлса, абзацлар гаплардан, гаплар эса сўзлардан иборат. Бунда таҳлилнинг асосий бирлиги сўз деб олинса, матн бирлиги эса гап деб қабул қилинади. Корпусда қидирув тизими орқали аниқ бир белгига доир сўз ва сўз бирикмаларни фақат мазкур гапга оид топа олиш имкони мавжуд. Қидирув натижаси гаплар рўйхати ҳисобланиб, унда топилган сўзлар ажратилган шрифт орқали ифодаланади. Керак бўлган пайтда қидирув матни абзац чегарасигача кенгайтирилиши мумкин, лекин ундан ортиқ эмас.

Шундай қилиб, корпусда асосий структурали бирликларни ажратиш мумкин: сўз, гап, абзац, матн. Бунда матннинг структурали бўлиниши (қисмлар, боблар, бўлимлар)ни ифодалайдиган, абзацдан ташқарида бўлган бирликлар ва гапнинг синтактик структураси (клауз, гуруҳлар)ни ифодалайдиган бирликлар ишлатилмайди.

Бобнинг учинчи фасли «*Корпус учун матнларни тайёрлаш технологияси*» деб номланган. Унда миллий корпус учун танланган матннинг илк разметкаси, корпус таркибига кирадиган матнларнинг турлари, лингвистик разметка кўринишлари илмий жиҳатдан асослаб берилган.

«Ўзбек компьютер лингвистикаси ўзбек тилининг инглиз тилидан тамомила фарқ қиладиган хусусиятлари асосида шакллантирилади. Бу эса ўзбек компьютер лингвистикасини яратишдан олдин ўзбек тилини мукаммал даражада системалаштириш, формаллаштириш вазифаларини амалга ошириш зарурияти мавжудлигини кўрсатади. Ўзбек тили каби бой, кенг ва чукур ривожланган тил масалаларини компьютерда ечиш даражасига олиб чиқиш инглиз тилига қараганда катта ҳажмда иш бажаришни талаб қилади», - дея таъкидлайди А. Пўлатов[16]. Олимнинг фикрига қўшилган ҳолда, ўзбек компьютер лингвистикасини яратишда инглиз компьютер лингвистикасидан тўғридан-тўғри фойдаланиб бўлмаса-да, унинг асосий ғояларига таяниш мумкин. Ўзбек тилининг тил корпусини тузишга мўлжалланган лингвистик база ва миллий матнлар банки тайёрланишда Рус тили миллий корпуси бўйича олиб борилган тадқиқот ишларига мурожаат қилинди. Ишда корпус таркибига кирадиган матн турларни ажратишда В.П.Захаров[17], А.Е.Поляков[18] кузатишларига таяниб, корпус учун матнларни тайёрлаш жараёни қуйидагиларга ажратилган:

1) HTML минимал форматда матннинг илк разметкаси;

---

[15] Аброскин А. А. Поиск по корпусу: проблемы и методы их решения // Национальный корпус русского языка: 2006–2008. Новые результаты и перспективы. СПб.: Нестор-История, 2009. –277–282 с.; ПоляковА.Е. Технология подготовки информации в национальном корпусе русского языка. http://www.ruscorpora.ru/new/corpora-biblio.html; Кустова Г. И., Ляшевская О. Н., Падучева Е. В., Рахилина Е. В. Семантическая разметка лексики в Национальном корпусе русского языка: принципы, проблемы, перспективы // Национальный корпус русского языка: 2003-2005. Результаты и перспективы. –М., 2005.– С.155–174.

[16] Пўлатов А. Қ. Компьютер лингвистикаси / А.Қ.Пўлатов; масъул муҳаррир: А.А.Абдуазизов, М.М.Орипов. - Т.: Akademnashr, 2011. - 520 б. (-Б. 7.)

[17] Захаров В.П. Корпусная лингвистика. Учебно-методическое пособие. – Санкт-Петербург, 2005. – 48 с.

[18] Поляков А. Е. Технология подготовки информации в Национальном корпусе русского языка Текст. / А.Е. Поляков // Национальный корпус русского языка: 2003-2005. Результаты и перспективы. – М., 2005. –С. 192.

2) морфологик разметка ва омонимия (корпус қисмида)нинг аниқланиши;

3) метаматнли разметка;

4) Яндекс-сервер учун чиқиш форматига ўзгартириш.

Электрон корпусдаги лексик маълумотни кодлаш HTML/XML қоидаларига мослаштирилади. Бу эса матннинг турли хил турдаги дастурлар, қидирув индексатори, морфологик парсер, конверторлар, таҳрирлаш босқичларида тезкор қайта ишланиши ва корпусда разметкани автоматлаштириш учун кенг имкониятларини очиб беради. Миллий корпус учун матнлар турли хил манбалардан олиб киритилади ва ҳар хил форматларда ифодаланади.Чунончи, оддий матн, HTML, RTF, PDF каби.

Матнни тайёрлаш жараёнида матндан муаллифга тегишли бўлмаган ёки тил ўрганиш учун аҳамиятли бўлмаган қуйидаги элементлар олиб ташланади: саҳифа рақамлари, устун сарлавҳалари, титул саҳифалар, мундарижа, чиқиш маълумотлар, тизимли ёзув, аннотациялар, муҳаррир изоҳлари (муаллиф томонидан ёзилган изоҳлар сақланади), расмлар, схемалар, формулалар (лекин улар остида имзолар сақланади);

Лингвистик ва экстралингвистик разметкалар маълумотлар ифодасининг ягона формати бўлиб, корпус бўйича маълумот алмашишга шароит яратади.

Миллий корпуснинг технологик жараёни қуйидагилардан иборат: танланган матнлар асосида лексема ва сўз шаклларининг такрорланиш луғатини яратиш; олинган такрорланиш луғатининг ҳар қандай бирлиги учун матнни кўриб чиқиш; графикли сўзни бўғинга ажратиш ва бўғинларнинг такрорланиш луғатини тузиш; сўз захираларини саралаш; бир вақтнинг ўзида чекланмаган файлларни қайта ишлаш; ташқи белгиларга эга бўлган матнлар корпусларини яратиш; яратиладиган матн корпус ҳамда корпусга кирувчи алоҳида матнлар учун статистик маълумотларни ҳисоблаб чиқиш кабилардир.

Диссертациянинг **«Ўзбек тили миллий корпусининг лингвистик базасини шакллантириш»** деб номланган учинчи боби беш фаслдан иборат бўлиб, унда электрон корпуснинг лингвистик базаси таъминоти, материали, моделлаштиришнинг аҳамияти ва сўз бирикмаси таҳлилида моделлардан фойдаланиш каби назарий масалалар кўрилган.

Бобнинг «*Матн корпусининг лингвистик база таъминоти*» деб номланган биринчи фаслида маълумотлар базаси(МБ), унинг таркибий қисмлари, ахборот тизимининг хусусиятлари, миллий корпус яратишда МБнинг асосий элементлари: жадваллар, сўровлар, маълумотлар схемалари, формалар, ҳисоботлар, макрослар ва модуллар каби муаммолар ечими ўз ифодасини топган. Шунингдек, ўзбек тили миллий корпусини яратиш учун МБ шакллантириш режаси ҳамда маълумотлар базасини моделлаштиришнинг босқичлари ёритилган.

Маълумотлар базаси – маълумотларни сақлаш, янгилаш, қидириш ва етказиб беришни таъминловчи ахборот, дастурий таъминот[19]. У аппарат ва ходимларнинг комбинациясини ифодаловчи автоматлаштирилган тизимдир.

[19] Дейт К. Дж. Введение в системы баз данных. 8-е издание.: Пер. с англ. – М.: Издательскийдом "Вильяме", 2005. –1328с.

Тилшуносликда ушбу технологияни ишлаб чиқиш ва шунга ўхшаш манбаларни яратиш қуйидаги муаммоларни ҳал қилади:

1) эмпирик материални тузилиши ва бирламчи таҳлил қилиш муаммоси, тил даражалари бирликларини (грамматикалар, луғатлар, фонетик маълумотлар базалари) вазифасидан бошлаб, тўлиқ матнларни ўрнатишга имкон беради. Бир томондан, тил тизимининг таркибий моделини тўлдириш ва аниқлаштириш, бошқа томондан, дискурсив ҳудудларнинг миллий моделлари ва умумий тил тизимининг моделини яратиш;

2) тил маълумотларини ўрнатиш ва сақлашнинг янги усулларини топиш, шунингдек, ушбу материалларга киришни ташкил этиш вазифаси;

3)тадқиқотни оптималлаштириш ва янги натижаларни олиш учун материални қайта ишлашнинг янги усулларини топиш вазифаси;

4) катта материалга мурожаат қилиб, ўрганиш натижаларини текшириш вазифаси ҳал қилади.

Лингвистик таъминот – муайян соҳасида тилнинг етарли даражада ишлашини таъминлайдиган тил воситаларининг умумийлигидир. Ўзбек тилининг электрон корпусини вужудга келтиришда лингвистик таъминот мукаммал даражада бўлсагина, унинг дастурий таъминоти яратилади.

Бобнинг иккинчи фасли «*Киберлексикография миллий корпуснинг лингвистик материали сифатида*» деб номланган. Ушбу фаслда лексикография соҳасида эришилган муайян ютуқлар, давр талабларидан келиб чиққан ҳолда, луғатчиликнинг янги назарий муаммоларига ҳам эътибор қаратилган. Шунингдек, киберлексикография[20] ва кибер-луғатчилик муаммоси ҳақида тўхталиб ўтилган.

Бугунги кунда у “виртуал луғатлар, улар билан ишлаш ҳамда яратиш технологиялари” мазмунида оммалашмоқда. Бунда соҳани интернет тизими доирасида идрок этиш лозим бўлади. Киберлексикография[21] атамаси шу маънода интернет электрон луғатларни – умумий ва махсус турдаги академик, энциклопедик ва лингвистик луғатларни яратишнинг назарий асосларини ўзида ифодалайди. Киберлуғатларнинг ёрқин намунаси бўлган корпусларнинг яратилиши лексикография соҳасини янги чўққиларга олиб чиқди. Маълумки, корпус ёзма матнларнинг электрон шаклдаги тўплами бўлиб, махсус ишлаб чиқилган компьютер дастурлари орқали тўпланган луғатлар жамланмаси киритилиши асосида яратилади[22]. Корпус компьютер дастури шаклида тилнинг барча жиҳатларини қамраб олади. Шунинг учун ҳам, корпус лингвистикаси тилнинг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда уни қайта баҳолашга олиб келади.

---

[20] Карпова О. М., Менагаришвили О. В. Электронные словари и кибернетическая лексикография *:* метод. рекомендации к спецкурсу. –Иваново: Иван. гос. ун-т, 2002. – 45 с.; T.Valiyev. Kibernetik leksikografiya va til korpusi muammolariga doir. SamDU. Ilmiy axborotnoma filologiya 2016-yil, 2-son. -B.67-70

[21] http://://studfile.net/preview/1619320/page:3/ Кибернетическая лексикография Захаров В. 1 А -10 ФИЯ ЧГУ имени И. Н. Ульянова.[Электрон ресурс]. http://www.myshared.ru/slide/10492/

[22] Сивакова Н.А.Лексикографическое описание английских и русских фитонимов в электронном глоссарии. дисс. .д-ра филол. наук в форме науч. докл. Тюмень., 2004. - 72 с..; Саженин, И. И. Словарный корпус: проблемы определения и структурной организации / И. И. Саженин; отв. ред. И.П. Матханова. // Проблемы интерпретационной лингвистики: типы восприятия и их языковое воплощение: межвузовский сборник научных трудов. – Новосибирск: Изд-во НГПУ, 2013. – С. 294 – 298

Ахборот-қидирув тизимига солинган луғатлар тўплами бўлган корпус киберлексикографик корпуснинг асосий манбаси ҳисобланади. Киберлексикографик корпуслар махсус ишлаб чиқилган компьютер дастури орқали амалга оширилган бўлиб, зарурий равишда сўзларни акс эттиришни ўз зиммасига олади. Энг асосийси, корпус дастури берилган мақсадли сўзни тадқиқ этади, корпусдаги мисоллар сонини аниқлайди ва боғлиқлик частотасини ҳисоблайди, мақсадли қисмга хос мисолларни намойиш этади, бундан фойдаланувчи кейинги тадқиқотларни давом эттира олиш имконига эга бўлади. Ўзбек тилининг миллий киберлуғатларини яратиш долзарб масала бўлиб, бу ўзбек лексикографиясининг, унинг маҳсули сифатидаги миллий Интернет луғатларининг жаҳон виртуал олами билан боғланиш ва улардан озиқланиш имконини беради. Киберлексикография соҳасини ривожлантириш киберлуғатларнинг ўзбек тилидаги тўлиқ ва тўлақонли базасини яратиш, автоматик таҳрирлаш, ўзбек тилидан бошқа тилга ёки аксинча таржима қилувчи мукаммал дастурларни яратишни тақозо қилади.

Бобнинг «*Лингвистик базани тузишда лингвистик моделлаштиришнинг аҳамияти*» деб номланган учинчи фаслида лингвистик базани тузишда моделлаштириш методининг аҳамияти ва компьютер иши жараёнида бошқариладиган кўрсатмаларни ишлаб чиқаришнинг асосий алгоритмини тузиш, ҳар бир сўз туркумини разметкалаш учун махсус модел шаклларини ишлаб чиқилиши хусусида назарий маълумот ҳамда таҳлиллар берилган.

Компьютер лингвистикасида *лингвистик модуль* атамаси муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, табиий тилнинг компьютер тилига ўтказилиши, яъни компьютер тизими орқали матнга ишлов бериш йўллари яратилади. Бунинг учун ўзга тилларда яратилган дастурларнинг илғор таржималардан фойдаланилади. Лингвистик модуль ана шундай дастурларнинг мустақил таркибий қисмлари ҳисобланади. Масалан, лексик модулда луғат қатлами (сўзлар) қуршаб олинса, графематик модулда рамзлар, тиниш белгилар, ҳарфий ва бошқа белгилар таҳрир қилинади, орфографик модулда имло қоидалари, морфологик модулда сўзшакллар анализи (сўзшаклдан лексемага қадар таҳлил) ва синтези (лексеманинг грамматик шаклланиши таҳлили жараёни), синтактик модулда суперсинтактик бирлик – гап ёки сўзларнинг ўзаро боғланиш ҳодисаси таҳлил қилинади. Ўзбек тили миллий корпусини яратишда тилнинг хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, унинг алгоритми тузилади.

Ўзбек тили миллий корпуси ўзбек тилида мавжуд бўлган лексик бирликларнинг, чунончи, синоним, антоним, омоним, ўзлашма сўзлар, сўзларнинг даражаланиши, сўзнинг морфологик таркиби, сўзнинг ясалиши, сўзларнинг маъноси, унинг морфологик хусусиятларини автоматик таҳлил қилиб бера олиши керак. Яъни корпусни тузиш, леммалаш, разметкалаш жараёнида корпус таркибига кирган шундай сўзларни бирма-бир қидирув асосида матнлар ичидан топиш ва уларни махсус изоҳлаш керак бўлади. Бунинг учун эса юқорида айтилган алгоритм, лингвистик моделлаштириш ишлари амалга оширилиши лозим. Бунда М.Абжалованинг “Ўзбек тилидаги

матнларни таҳрир ва таҳлил қилувчи дастурнинг лингвистик модуллари”[23] деб номланган тадқиқотидан, лексик бирликлар билан боғлиқ муаммоларда А.Эшмўминовнинг “Ўзбек тили миллий корпусининг синоним сўзлар базаси”[24] тадқиқотидан, сўзларнинг морфологик хусусиятларини автоматик таҳлилида Ш.Ҳамроеванинг **“**Ўзбек тили муаллифлик корпусини тузишнинг лингвистик асослари”[25] мавзусидаги тадқиқотининг айрим ўринларидан, ўзбек тилидаги лексик бирликларни таржима қилиш билан боғлиқ масалаларда Н.Абдурахмонованинг “Инглизча матнларни ўзбек тилига таржима қилиш дастурининг лингвистик таъминоти”[26] тадқиқотидан ўринли фойдаланиш зарур.

Лексик бирликларни разметкалашда ўзбек тилшунослигида мавжуд бўлган “Ўзбек тили синонимлар луғати”, “Ўзбек тилининг ўзлашма сўзлар изоҳли луғати”, “Ўзбек тилининг эскирган сўзлар ўқув луғати”, “Ўзбек тилининг маънодош сўзлар ўқув луғати”, “Ўзбек тилининг шаклдош сўзлар ўқув луғати”, “Ўзбек тилининг зид маъноли сўзлар ўқув луғати”, “Ўзбек тилининг сўзлар даражаланиши ўқув луғати”, “Ўзбек тилининг ўқув этимологик луғати”, “Ўзбек тилининг ўқув топонимик луғати” лингвистик таъминот вазифасини бажара олади. Фақат бундай луғатлар қайта ишловдан ўтиши, сўзларни леммалаш, сўзларнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда уларнинг қаторини чегаралаш ва леммаланган қатор аъзоларини бир-бири билан боғлаш амалга оширилиши лозим. Шундагина қайта ишланган луғат дастурчи учун дастурий таъминот асосини ташкил эта олади.

Разметкаларни лингвистик моделлаштириш мақсадга мувофиқ, чунки лингвистик моделда морфологик тег шартли қисқартма шаклини олади. Ҳар бир сўз туркумини разметкалаш учун махсус лингвистик модел шакллари ишлаб чиқилади. Лингвистик базани морфологик разметкалаш алгоритмини ишлаб чиқиш зарур. Лингвистик базани семантик разметкалашлар билан таъминлаш йўлларини аниқлаш керак. Миллий корпус яратишда ва унинг лингвистик базасини тузишда лингвистик разметкалашнинг аҳамияти жуда катта.

Бобнинг «*Сўз бирикмаси таҳлилида моделлардан фойдаланиш*» деб номланган тўртинчи фаслида грамматик қоидалар асосида тузилган ва турли сўз туркумлари билан ифодаланган мослашув ҳамда битишув муносабатли сўз бирикмаларининг моделларини тушунарлилигига эришиш, моделнинг қайси бирлик учун тегишли эканлигини, таркибидаги қисмларнинг морфологик шаклини ҳамда грамматик кўрсаткичларини фарқлай олиш учун сўз бирикмасининг модели келтириб ўтилган.

---

[23] Абжалова М. Ўзбек тилидаги матнларни таҳрир ва таҳлил қилувчи дастурнинг лингвистик модуллари (Расмий ва илмий услубдаги матнлар таҳрири дастури учун)**.**Филол.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD)…дис. автореф. –Фарғона, 2019.

[24] Эшмўминов А.Ўзбек тили миллий корпусининг синоним сўзлар базаси. Филол.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD)…дис. автореф. – Қарши, 2019.

[25] Ҳамроева Ш. Ўзбек тили муаллифлик корпусини тузишнинг лингвистик асослари. Филол.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD)…дис. автореф. –Қарши, 2018.

[26] Абдурахмонова Н.З. Инглизча матнларни ўзбек тилига таржима қилиш дастурининг лингвистик таъминоти (Содда гаплар мисолида). Филол.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD)…дис. автореф. – Тошкент, 2018.

Сўз бирикмаси компонентларининг қолипларини яратишда уларнинг биринчи ҳарфини асос сифатида қабул қиламиз. Яъни тобе сўз учун катта [Т], ҳоким сўз учун эса катта [ Ҳ ] ҳарфлари сўз бирикмасининг умумий модели сифатида танланади. Қисмларнинг ўзаро бир-бирига тобелик алоқасида боғланишини англатиш учун тобеланишнинг модели сифатида йўналишни кўрсатувчи [ $\Longrightarrow$ ] белгиси қабул қилинади. Ушбу моделнинг тобе сўздан ҳоким сўзга қараб йўналганлиги, ҳоким компонентнинг етакчилик, тобе компонентнинг эса бўйсунувчилик хусусияти билан боғлиқ. Айтилган фикрларнинг янада тушунарлироқ бўлиши учун сўз бирикмасининг моделларини жадвалларда бериб ўтамиз.

<table>
<tr><th>№</th><th>Сўз бирикмаси қисмлари</th><th>Моделлар</th><th>Жойлашиш ўрнига кўра сўз бирикмаси</th><th>Жойлашиш ўрнига кўра моделлар</th></tr>
<tr><td>1</td><td>Тобе сўз</td><td>Т</td><td rowspan="3">Тобе ⇨ ҳоким</td><td rowspan="3">Т $\Longrightarrow$ Н</td></tr>
<tr><td colspan="2">Тобеланиш</td><td>⇨</td></tr>
<tr><td>2</td><td>Ҳоким сўз</td><td>Н</td></tr>
</table>

Сўз бирикмаси таҳлилида моделлаштириш методини татбиқ қилиш бирикманинг синтактик турларини қолиплаш учун муҳимдир. Бу жараёнда анъанавий усулга таянган ҳолда модел сифатида ўша бирликларнинг биринчи ҳарфлари олинади. Масалан, мослашув муносабатли сўз бирикмаси [Мб]; битишув муносабатли сўз бирикмаси [Бб]; бошқарув муносабатли сўз бирикмаси эса грамматик воситаларнинг турига кўра гуруҳларга ажралади. Яъни келишик қўшимчалари билан боғланган бирикмалар; келишикли бошқарув муносабатли сўз бирикмаси [ККБб]; кўмакчилар билан боғланган сўз бирикмаси; кўмакчили бошқув муносабатли сўз бирикмаси эса [КўБб] белгилари билан қолипланади. Сўз бирикмаси қолиплари ҳам грамматик қоидалар ва грамматик кўрсаткичларнинг турига мувофиқ бир-биридан фарқли кўринишларга эга бўлади.

Бобнинг «**Қўшма сўз ясалишида лингвистик моделлардан фойдаланиш**» деб номланган бешинчи фаслида ўзбек тилшунослигида сўз ясалиши (деривация) масаласи, аффиксация усулининг 3 хил кўринишдаги сўз ясаш модели, композиция усулининг сўз туркумига боғлиқ бир неча кўринишли моделлари таклиф этилиб, мисоллар орқали далилланган.

“Ўзбек тили миллий корпуси”нинг лингвистик базасини яратишда ясама сўзларнинг моделларини тузиш аҳамиятлидир. Бу ўринда М.Абжалова таклиф этган лингвистик модуллардан фойдаланиб, аффиксация усулида 3 хил кўринишдаги қуйидаги сўз ясаш моделини таклиф этиш мумкин:

Бундан: А=асос, N=ҳосила сўз

1. N= асос + ли; N= асос + ла; N= асос + сиз; N= асос + лик; N= асос + чи; N= асос + хон; N= асос + дон.....

Аффиксация усули билан сўз ясашда аффикслар, одатда, асосдан кейин қўшилади. Шунга кўра бу усул билан ҳосил бўлган ясама сўзлар «асос + қўшимча (суффикс)»тарзида бўлади (*маза-ли, маза-сиз, мазлум-лик, сабзавот, сабзавот-чи, сабзавотчи-лик, супур-ги* каби).

2. N= бе+асос ; N= но+асос; N= ҳам+асос; N= бад+асос.....

Ясама сўзлар «олд қўшимча(префикс) + асос» шаклида ҳам бўлади. Бу ҳодиса асосан тожик тилидан ўзлашган аффикслар орқали сўз ясашда учрайди: *бе-лаззат, бе-ҳикмат, бе-ҳисоб, бе-ҳол,бе-ҳузур, бе-ҳужжат, сер-барака, сер-бар, сер-иштаҳа, сер-мазмун, но-инсоф, но-умид, но-қулай, но-муносиб* каби.

3. N= бе+асос +лик; N= но+асос +лик; N= ҳам+асос +лик; N= бад+асос +лик.....

Ясама сўз таркибида сўнг қўшимча (суффикс) ҳам, олд қўшимча (префикс) ҳам келиши мумкин: *бе-сабр-лик, бе-парво-лик, бе-саранжом-лик, бе-саришта-лик, ҳам-жиҳат-лик, ҳам-нафас-лик, но-инсоф-лик, но-мард-лик, но-маъқул-чилик, но-маҳрам-лик, но-аниқ-лик, бад-бахт-лик* сингари.

Айтиш мумкинки, моделлаштириш методидан тилшунослик соҳасида, хусусан, грамматик таҳлил жараёнида фойдаланиш бир қараганда кўпчиликнинг тасаввурида соддаликдан мураккабликка ўтишдек кўринса-да, ёритилаётган мавзунинг тушунарлилик ва аниқлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Диссертациянинг **«Ўзбек тили миллий корпус менежерини яратиш технологияси»** деб номланган тўртинчи боби тўрт фаслдан иборат бўлиб, унда корпус-менежер тизими: корпус маълумотлари архитектураси ва модели, парсинг, корпус фрагменти интерфейсини шакллантириш алгоритми, ўзбек тили миллий корпусининг онлайн варианти фрагментининг тузилиши кабилар ҳақида фикр юритилган.

Менежер корпус ( корпус браузер ёки корпус сўров тизими ) кўп тилли корпус таҳлили учун восита бўлиб, одатда менежер корпус тил шакллари ва кетма-кетликлар учун қидирувда қўлланиладиган мураккаб тизим ҳисобланади. У матн хусусида маълумот бериши ёки қидирувчи томонидан маълумотлар хусусияти мавқеи жиҳатидан (лемма ва тег сингарилар тўғрисида) маълумот бериши мумкин. У «конкорданс» деб аталади. Бошқа амаллар коллокациялар қидирувини, частоталар статистикасини ва матнда қайта ишланадиган метамаълумотларни ўзида мужассамлаштиради. Менежер корпуснинг нисбатан қисқача мазмуни серверга ёки корпуснинг сўров двигателига оид бўлади. Бунда мижоз томонига оид бўлган жиҳатлари фойдаланувчи интерфрейслари дейилади. Менежер корпус шахсий компьютерда дастур сифатида таъминланиши ёки веб – сервис сифатида берилиши мумкин[27].

«Матнлар корпуси» тушунчасининг ажралмас қисми бу матнли ёки лингвистик маълумотларни бошқариш тизимидир. Сўнгги пайтларда уни кўпрок корпус менежер деб аташади. Корпусли менежер – бу ихтисослашган қидирув тизими. У корпусдаги маълумотларни қидириш дастурий воситалари, статистик маълумотларни олиш ва натижаларни фойдаланувчиларга қулай тарзда етказишни ўзида мужассамлаштиради.

[27] Suleymanov D., Nevzorova O., Gatiatullin A., Gilmullin R., Khakimov B. National corpus of the Tatar language “Tugan Tel”: grammatical annotation and implementation. Procedia-Social and Behavioral Sciences, 2013, vol. 95, pp. 68–74. DOI: 10.1016/j. sbspro.2013.10.623.

Масалан: Рус тили миллий корпуси бўйича қидирувда ишлар Yandex.Server Professional асосида амалга оширилади. Yandex.Server эса грамматик ва метатекстлардаги яширин хусусиятлар ва алоҳида лавҳалар маълумотларини топишга жалб этилган. Қидиришдаги берилиш Yandex.Server орқали шаклланади. У корпоратив тармокдаги веб-сервердаги рус тили морфологик хусусиятларини инобатга олиб маълумотларни тўлиқ матн асосида қидиришни таъминлайди. Қидирув рус, инглиз, украин тиллари морфологиясини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Шу билан бирга интернетда Яндекс бўйича иш юритади. Агар «идти» сўзи бўйича қидирув берилса, унда «идти», «идёт», «шел», «шла» сўзлари учрайдиган ҳужжатларда намоён бўлади. Релевантлиги бўйича тартиблаштирилган ҳужжатлар қидирув натижаси бўлади. Улар нафақат ҳужжатлар сонини, балки сўзларнинг асиллигини, уларнинг қўлланилиш частотаси ва сўзлар орасидаги масофаларни ҳам ҳисобга олади.

Сўровлар ўзининг предметли ва формал мазмуни бўйича таҳлил қилинади ва корпус билан ишлайдиган илмий атамалар луғатида изоҳланади. Қидирув корпуснинг алоҳида элементларини тартиб билан қиёслашдан ва уларнинг ўзаро мослигини аниқлашдан иборатдир. Бундай ҳолда корпус матнлари релевант ҳисобланади ва беришга тавсия этилади[28].

Ўзбек тили миллий корпусининг сўровлар тили модели умумий жиҳатдан қуйидаги элементларни ўзида мужассамлаштиради:

1) бевосита қидирув элементлари (атамалар ва информацион сўровлар);

2) матн сўров элементларини морфологик меъёрлаштириш воситалари;

3) операторлар (конъюнкция: кўпайтириш; дизъюнкция: қўшиш; инкор этиш);

4) линияли грамматика воситалари (масофа ва мавқе операторлари);

5) қидирувнинг қўшимча шароитлари:

-корпуснинг белгиланган майдонларидаги қидирув(масалан теглар ичида);

-қидирув соҳасини чеклаш (айрим муаллифлар асарлари, айрим ҳужжатлар ва улар турлари бўйича);

6) бериладиган натижалар бўйича саралаш (ранжировка) талаблари;

7)натижаларни бериш шакли ва турига нисбатан талаблар.

Ишлаб чиқишнинг биринчи босқичида излаш тизими учун зарур бўлган маълумотлар захирасини ва маълумотлар базасини бошқариш тизимини(МББТ) танлаш муҳим. МББТни ишлатиш имконлари ва маълумотлар захираси реал вақт режимида катта ҳажмга киришни тез ва ишончли қилади ҳамда қуйидаги мезонларга жавоб бериши лозим бўлади:

- самарадорлик (МБнинг ишлаш тезлиги 100 млн қаторли жадвални қўшиб ҳисоблаганда секундига 1 та сўров);

- масштаблилиги (бир неча машинага тақсимланган жараёнларга мувофиқ тизимнинг функционаллигига мос талаблар амали);

- тан нархи (таҳлил бепул коммерцияни ва маълумотлар захирасини ўзида мужассамлаштиради);

[28] Kilgarriff A., Baisa V., Bušta J., Jakubíček M., Kovář V., Michelfeit J., Suchomel V. The Sketch Engine: ten years on. Lexicography, 2014, no. 1, pp. 7–36. DOI: 10.1093/ijl/ecw029.

- ПО билан биргаликдаги мувофиқлик (PHP ва Unix каби тизимлар билан ишлаш имкониятини қўллаб-қувватлаш );

- ҳужжатларнинг имконлиги (рус, инглиз ва татар тилидаги ҳужжатларнинг тўлик имконлиги);

- тараққиёт истиқболи (лойиҳани ишлаб чиқиш динамикаси, фойдаланувчилар жамоати, ишлаб чиқувчилар режалари);

МБ ва тизим архитектураси қуйидаги турдаги саволларга жавоб бериш учун ишлаб чиқилган:

- сўз шакли ёки лемма бўйича бевосита қидирув учун;

- ва, ёки, ё каби конъюнкция, дизъюнкция, инкор шакллари сифатида келтирилган кўринишлар морфологик хусусиятларини қайтар тарзда ўрганиш;

- сўз шакли ва леммада морфологик хусусиятларни гибрид излаш тури учун.

Корпус – менежери учун яратилган архитектурадан фойдаланиш кўплаб муаммоларни ҳал этишга имкон беради. Келажакда бу архитектурани лингвистик маълумотлар таҳлили, жумладан морфологик анализатор, кўп маъноли морфологик модуль ечими ва бошқа турли сервислар интеграциясида бемалол қўллаш мумкин.

Лингвистик корпуслар учун ишлаш тизимлари масаласини ечишдаги бу ёндошув ушбу махсус ишлаб чиқиладиган тизимни нафақат татар тили электрон корпуси иши учун, ўзбек тили корпуслари ўзгаришлардаги ечимларда ҳам қўллаш мумкин[29].

Бобнинг *«Корпусда матнларнинг синтактик анализи(парсинг)*» деб номланган иккинчи фаслида парсинг, унинг вазифалар, морфологик анализатор кабилар назарий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Парсинг **(**Parsing**)** – бу синтактик таҳлилнинг компьютер фанидан таърифи. Бунинг учун дастурлаш тилларидан бири билан тавсифланган токенларни расмий грамматика билан таққослаш учун математик модел яратилади. Масалан, PHP, Perl, Ruby, Python. Бирор киши ўқиётганда, филология фани нуқтаи назаридан, қоғозда кўрган сўзларни (токенларни) ўзининг луғатидаги (расмий грамматикага) таққослаб, синтактик таҳлил қилади. Компьютерга *«*ўқиш» - таклиф қилинган сўзларни бутунжаҳон интернетдаги сўзлар билан солиштиришга имкон берадиган дастур (скрипт) синтактик деб номланади. Бундай дастурларнинг кўлами жуда кенг, аммо уларнинг барчаси деярли бир хил алгоритм асосида ишлайди. Парсинг билан ишлаш алгоритми қуйидагича: қайси расмий дастурлаш тилида ёзилган бўлишидан қатъий назар, унинг ишлаш алгоритми бир хил бўлиб қолади. Интернетга кириш, веб-ресурс кодига ўтиш (кириш) ва уни юклаб олиш; маълумотларни ўқиш, олиш ва қайта ишлаш; олинган маълумотларни қайта ишланадиган шаклда тақдим этиш - .txt, .sql, .xml, .html ва бошқа форматдаги файллар.

Парсинг қуйидаги вазифаларни ҳал этади:

1. Лексик таҳлил – матнни гаплар ва сўзларга ажратиш.

[29] Хакимов Б.Э., Гильмуллин Р.А., Гатауллин Р.Р. Разрешение грамматической многозначности в корпусе татарского языка // Ученые записки Казанского ун-та: Гуманитарные науки. 2014. Т. 156. № 5. С. 236–244.

2. Сўзларнинг морфологик таҳлили (токенизация ва лемматизация) – сўзлар матнини (маъно устуворлигини) инобатга олган ҳолда нутқ қисмини, келишигини, турини (родини) ва бошқа грамматик белгиларини аниқлаш.

3. Синтактик таҳлил (dependency parsing) – гаплардаги сўзлар боғланишини аниқлаш, эга ҳамда кесимни излаш, гапларнинг эга, тўлдирувчи ва ҳол бўйича гуруҳларга ажратилиши.

5. Соддалаштирилган синтактик таҳлил (chunking) – мураккаб матн таркибини ички абзацларга ажратиш.

Юқорида санаб ўтилганларнинг барчаси учун ва шу жумладан луғатда бўлмаган сўзлар учун ҳам улар бажарилади. Бундан ташқари морфологик анализатор орфографик хатоларни тузатиш режимини улаш ҳам мумкин бўлади.

Парсинг жуда катта ҳажмли матнларни (ўнлаб килобайт ёки юзлаб мегабайт) тезкор равишда таҳлил этиш учун лойиҳалаштирилган. Парсингнинг юқори самарадорлигига эришиш учун у ишга туширилаётганда сўз захирасининг ҳаммаси унинг оператив хотирасига киритади. Парсинг таҳлил этилаётган матн ҳажми ёки ундан фойдаланиш вақтига чеклов қўймайди.

Токенлар морфологик анализатор объектлари бўлиб, уларнинг вазифаси стемминг, лематизация ва морфологик таҳлилни амалга оширишдан иборат. Ўзбек тили ўз таркиби жиҳатидан агглютинатив тилларга оид бўлиб, у морфологик анализатор иш алгоритмига таъсир қилади. Таҳлил эса луғат ёндошуви асосида амалга оширилган. Унда ҳар бир сўз семаси аниқланган бўлиб, у ёки бу сўзнинг қандай парадигмага оидлиги аниқланади. Грамматик луғат ягона лексикографик академик тадқиқот ҳисобланган «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»га асосланади.

Демак, синтактик алоқаларни ўрнатиш тадбирлари ва сўз ёки ибораларга маълум бир синтактик белгиларни тақаш амалини парсинг бажаради.

Бобнинг учинчи фасли *«Корпус интерфейсини шакллантириш босқичлари»* деб номланган. Унда интерфейс ва унинг турлари, дизайни таҳлил қилинган.

«Интерфейс» сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, «ташқи кўриниш» деган маъноларда ишлатилади. Ушбу сўз кўпинча компьютер технологиясида қўлланилади. Компьютер – инсон ва машина ўртасида турли хил ахборот алмашинувини таъминлайдиган ягона алоқа тизимидир. Интерфейс - бу битта тизимнинг иккита элементи ва ушбу тизим ёрдамида ишлайдиган боғловчи бўғин. Интерфейс турли хил тугунлар ва мураккаб ускуналар блоклари, шунингдек, технология ва фойдаланувчи ўртасидаги алоқа тизими ҳисобланади. У мантиқий (ахборот вакиллик тизими) ва формал (ахборот узатиш хоссалари) шаклида ифодаланади. Унинг ёрдамида муаян вазифалари учун буйруқлар берилади. Бундай интерфейс фойдаланувчи интерфейси деб номланади. Ҳар қандай қурилманинг интерфейси бажарадиган вазифаларига қараб ташқи ва ички кўринишларга бўлинади. Ички интерфейсга фойдаланувчи тўғридан-тўғри кириш ҳуқуқига эга бўлмайди, у хусусий имкониятга эга. Ташқи интерфейс билан фойдаланувчи бевосита алоқа қила олади ва унинг ёрдамида қурилмани

бошқариши мумкин. Ушбу икки турдаги интерфейс ҳар доим битта қурилмага киради ва унинг ишлашини таъминлайди, улар алоҳида мавжуд бўлолмайди. Фойдаланувчи интерфейсини 2 қисмга бўлиш мумкин. Чунончи, бу қурилмага маълумот киритиш учун жавобгар бўлган ва фойдаланувчига унинг чиқиши учун жавобгар бўлган қисм. Агар биз оддий иш компьютери ҳақида гапирадиган бўлсак, унда биринчи тоифада биз компьютерда ишлайдиган барча нарсалар мавжуд. Шунга кўра, ҳамма нарса иккинчи тоифага тегишли бўлиб, унинг ёрдамида компьютер фойдаланувчига маълумотни бир хил клавиатура, сичқонча ва бошқа кириш мосламалари, яъни мониторлар, карнайлар, наушниклар, принтерлар, плутерлар ва бошқалар орқали берилган буйруқларга жавоб бериб, узатади[30]. Компьютер технологиясида ишлатиладиган интерфейс қуйидаги турларда бўлади:

*Визуал.* Мониторда намойиш этиладиган визуал тасвирлар ёрдамида маълумотларни узатадиган стандарт компьютер интерфейси.

*Имо-ишора.* Қоида тариқасида, у телефонлар ёки планшетлар учун интерфейс бўлиб хизмат қилади. Кўпгина ҳолларда, бу тизимни бошқарадиган одамнинг бармоқларининг ҳаракатларига жавоб берадиган ва ҳар бир аниқ ҳаракатга маълум даражада жавоб берадиган сенсорли панел. Оддий визуал интерфейснинг соддалаштирилган версияси деб аташ мумкин.

*Овоз.* Ушбу турдаги интерфейс нисбатан яқинда пайдо бўлди. Овозли буйруқлар ёрдамида тизимни бошқариш имкониятини беради. Тизим, ўз навбатида, фойдаланувчи билан мулоқот орқали ҳам жавоб беради. Энг қизиғи шундаки, замонавий технологиялар бизга нафақат телефонлар ёки компьютерларнинг овозини, балки маиший техника ва ҳатто бортли компьютерларнинг овозини бошқаришга имкон беради.

Ушбу соҳадаги энг янги йўналишлардан бири бу сенсорли интерфейс. Унинг ишлаш принципи маълум объектлар орқали амалга ошириладиган фойдаланувчи ва машинанинг жисмоний ўзаро таъсирига асосланади.

Миллий корпуснинг интерфейси турли дизайн, тузилишга эга бўлиб, унинг мукаммаллиги корпус яратувчи муаллифнинг зиммасига юкланади. Чунки интерфейс корпус ҳақида илк таассурот қолдирувчи, ўзига жалб этувчи умумий кўринишдир. Интерфейс яратишда миллий коллоритни акс эттирувчи безаклар ҳамда мумтоз ёки замонавийликни акс эттирувчи белгилар эътиборга олиниши лозим.

Демак, миллий корпусдан фойдаланишда унинг қулай ва энг самарали имкониятларининг намоён бўлишида интерфейснинг мукаммал ҳамда тизимли равишда ишлаб чиқилганлиги муҳим саналади. Шу боис интерфейсни замонавий дастурий дизайн талабларига жавоб берадиган, фойдаланувга тушунарли, ишлаш учун қулай шаклда яратиш лозим.

Бобнинг тўртинчи фасли «*Ўзбек тили миллий корпусининг онлайн варианти фрагментининг тузилиши*» деб номланади. Ушбу фаслда онлайн варианти фрагменти намуна сифатида берилган. Корпуснинг қидирув

[30] Raxilina ye. V., Marushkina A. S. Corpus studies of speech features of non-standard speakers ("xeritajnыy russkiy") // Acta Linguistica Petropolitana. Trud instituta lingvisticheskix issledovaniy. 2015. –T. XI. –№ 1. – S. 621-639.

ойнаси(интерфейси)нинг «Корпусдан қидириш» – деб номланган тугмасида сўз ёки гапни қидириш имкони мавжуд. Унга «**осмон**» ёки «**ер**» ёки «**замон**» сўзини ёзиб қидирув сўрови берилса, унинг натижаси янги ойнада қуйидагича кўринишга эга бўлади:

«**осмон**» – 1. Ер устида гумбаз шаклида кўриниб турган мовий фазо; 2. Ер атрофини ўраб олган олам фазоси (астрономик макон);

Ёки:

«**ер**» – 1.Қуёшдан кейинги учинчи планета. 2. Шу планетанинг қуруқлик қисми (сув билан қопланган қисмига қарама-қарши қўйилганда). 3.Планетамиз қобиғининг сиртқи қатлами. 4. Бирор нарса банд қилиб турган, эгаллаган ўрин, жой, макон;

Ёки:

«**замон**» – 1. Д*авр, вақт*. Материя (объект) ҳолатларининг ҳамда ҳодиса (жараён)ларнинг изчил алмашиниш шакли; давомлилик, такрорланмаслик, қайтарилмаслик каби умумий хоссаларга эга бўлган вақт. 2. Сўз бораётган пайт; умуман вақт, пайт, давр, маҳал.

Шунингдек, лингвистик база таркибида киритилган матнлар ичида шу сўз мавжуд бўлса, у бошқа ойнада (алоҳида кўринишда) қидирув натижаси сифатида берилади.

Корпуснинг «Лексик-грамматик қидирув» тугмасидан сўзнинг маъноси, грамматик ҳолати, синонимлиги, омонимлиги, паронимлиги, антонимлиги, сўзнинг варианти, сўзнинг қўлланилиш даври, сўзнинг қўлланилиш услуби каби хусусиятларини билиб олиш мумкин. «Лексик-грамматик қидирув» тугмасига **«ингичка»** сўзини ёзиб қидирувга берилса, унинг натижаси янги ойнада қуйидагича кўринишга эга бўлади:

- **сўзнинг маъноси**: 1. Кўндаланг кесими меъёрдан кичик; 2. Чийилдоқ, ўткир (товуш ҳақида);
- **грамматик ҳолати**: [сифат];
- **синонимлиги:** майин;
- **омонимлиги**: йўқ;
- **паронимлиги**: йўқ;
- **антонимлиги:** йўғон;
- **варианти**:йўқ;
- **қўлланилиш даври:** замондош;
- **қўлланилиш услуби:** бетараф;

«Синтактик қидирув» деб номланган ойнада гапнинг мақсадига кўра турлари кўриниб туради: дарак, сўроқ, буйруқ Шунингдек, гапнинг тузилишига кўра тури шу қидирув тугмасида кўриниб туради: содда ва қўшма, уюшган гаплар. Масалан, «Синтактик қидирув» тугмасига «**дарак гап**» деб ёзиб қидирувга берилса, унинг натижаси янги ойнада қуйидагича кўринишга эга бўлади:

Бир тўда ўртоқларим, ҳар кундаги каби йиғилишиб, Шайхонтохурга кетишди (Ойбек);

Ой нурига терс ўтиргани учун унинг юзида кўзида қандоқ, ифода касб этаётганини билмасдим (С.Аҳмад);

Афзалхон акам анчагача чўккалаб ўтирдида-да, секин қаддини ростлади (Ў.Ҳошимов);

Кийимидан йигит кўпроқ студентга ўхшар эди (А.Қаҳҳор).

«Корпус нима?» тугмасида корпус тушунчаси ва ҳозирга қадар яратилган корпуслар ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилган.

«Таҳлиллар» тугмасида сўзнинг ясалиши (200га яқин сўз),ўзлашма сўзлар (200дан ортиқ сўз), сўзнинг даражаланиши (150дан ортиқ сўз), иборалар (100дан ортиқ сўз) ҳақида маълумотлар берилган.

Хуллас, ўзбек тили миллий корпусининг умумий кўриниши бир неча ойналарга ҳамда ўнг ва чап устунчаларга ажратилган. Унда қуйидаги ойналар мавжуд бўлади: «Лексик қидирув», «Морфологик қидирув», «Синтактик қидирув. Қидирув тугмачалари сўз ва гапларни бир неча сония вақт ичида автоматик таҳлил қилиб беради.

## ХУЛОСА

1. Корпус лингвистикаси - тилшуносликнинг энг ривожланган соҳаси, корпус эса тилшуносларнинг зарурий иш қуроли; оғзаки, ёзма ёдгорликлар, миллий-маданий меросни акс эттирувчи ахборот манбаидир. Корпус-қидирув дастурига бўйсундирилган матнлар йиғиндиси, мукаммал разметкага эга корпус лингвистик тадқиқотлар самарадорлигини таъминлашда барқарор лингвистик база вазифасини бажаради. Лингвистик корпус сунъий интеллект маҳсули сифатида электрон луғат, таржима портали, терминологик маълумотлар банки, виртуал (электрон) кутубхона, электрон ҳукумат, электрон нашр, электрон дарслик ва қўлланмалар қаторида туради. Сунъий интеллект маҳсули бўлган лингвистик электрон манбалар муайян тил корпусини яратиш учун хом ашё саналади.

2. Ўзбек тилининг халқаро миқёсдаги мақомини ошириш, уни жаҳон мулоқот тили даражасига кўтариш, ўзбек тилини чет элларда ўрганиш ва ўргатиш, миллий тилимизнинг имкониятларини кенгайтириш ва сайқаллаш ишларини бевосита миллий корпус орқали амалга ошириш даркор. Миллий тилни йўқолиш хавфидан сақловчи, миллатнинг мавжудлигини жаҳонга танитувчи восита сифатида тил корпуслари бебаҳо хазинадир.

3. Электрон шаклда мавжуд бўлган матнларни, ҳужжатларни маълумотларни қайта ишлаш, уларни автоматик таҳлил, яъни морфологик синтактик ва семантик таҳлил қилиш, морфологик анализ ва синтез қилиш билан бирга ярим автоматик режимда маънони бузмасдан ишончли нутқ материалини мослаштириш даражасини текширишувчи мослама тил корпуси ҳисобланади. У матнни автоматик анализ, синтез шаклида таҳлил қила олиш хусусияти билан электрон кутубхонадан афзалроқдир.

4. Миллий корпус яратиш икки босқичда амалга оширилади: манбалар рўйхатини аниқлаш ва матнларни рақамлаштириш (компьютер шаклига ўтказиш). Унинг технологик жараёни қуйидагилардан иборат: танланган матнлар асосида лексема ва сўз шаклларининг такрорланиш луғатини яратиш; олинган такрорланиш луғатининг ҳар қандай бирлиги учун матнни кўриб чиқиш; графикли сўзни бўғинга ажратиш ва бўғинларнинг такрорланиш луғатини тузиш; сўз захираларини саралаш; бир вақтнинг ўзида

чекланмаган файлларни қайта ишлаш; ташқи белгиларга эга бўлган матнлар корпусларини яратиш; яратиладиган матнлар корпуслари ҳамда корпусга кирувчи алоҳида матнлар учун статистик маълумотларни ҳисоблаб чиқиш; дастлабки матнлар билан txt, doc и rtf форматда ишлаш, кодлаштиришни автоматик тарзда белгилаш кабилар.

5. Корпус маълумотларини кодлаш энг самарали стандартлар танланади. Унинг маълумотларини тақдим этиш матн разметкаси SGML/XML тили негизида бажарилади. Лексик маълумотни кодлашда HTML/XML қоидаларига мослаштирилади. Миллий корпус учун танланган матнлар турли хил манбалардан олинади ва ҳар хил форматларда ифодаланади: оддий матн, HTML, RTF, PDF.

6. Дунё миқёсида амалда бўлган тил корпуслари каби ўзбек миллий корпусида ҳам лингвистик ва экстралингвистик разметкалар маълумотлар ифодасининг ягона форматда яратилади. Морфологик ва синтактик разметканинг назарий асосларини академ грамматикага асосланиб, қайта кўриб чиқиш, семантик разметка теглари тизимини қисқартириш билан боғлиқ амалий аҳамиятга молик ишлар амалга оширилади. Корпусда разметканинг аҳамияти беқиёс, чунки корпусдан фойдаланиш имконининг кенг ёки торлиги корпуснинг разметкасига боғлиқ. Мукаммал разметка кенг имкониятли, универсал корпус гаровидир.

7. Маълумотларни сақлаш, янгилаш, қидириш ва етказиб беришни таъминловчи ахборот, дастурий таъминот вазифасини бажарувчи, автоматлаштирилган тизим бу - маълумотлар базасидир. У табиий тилдаги энг яхши ишлов берилган, тезкорлик ва аниқлик учун хизмат қиладиган асл матнлар она тилимизнинг сунъий интеллектини бойитадиган лингвистик база ҳисобланади. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, шунингдек ўзбек тилида яратилган турли услубдаги асарлар ўзбек тили миллий корпусининг лингвистик таъминоти вазифасини бажара олади.

8. Ўзбек тили миллий корпуснинг лингвистик материали сифатида замонавий лексикографиянинг илғор соҳаси киберлексикография бўла олади.

9. Корпусли менежер – бу ихтисослашган қидирув тизими бўлиб, корпусдаги маълумотларни қидириш дастурий воситалари, статистик маълумотларни олиш ва натижаларни фойдаланувчиларга қулай тарзда етказишни ўзида мужассамлаштиради. Миллий коруснинг маълумотлар базаси ва тизим архитектурасида бевосита қидирув ва гибрид излаш тури ишлаб чиқилади.

10. Замонавий дастурий дизайн талабларига жавоб берадиган, фойдаланувга тушунарли, ишлаш учун қулай шаклдаги алоқа тизими интерфейс ҳисобланади. У визуал, имо-ишоравий, овозли каби турлардан ҳамда тизимли ва амалий дастурлаш интерфейсидан ташкил топган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/04.06.2021.FIL.72.09**
**ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ**
**БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ТОИРОВА ГУЛИ ИБРАГИМОВНА**

# ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ СОЗДАНИЯ НАЦИОНАЛЬНОГО КОРПУСА УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА

**10.00.01 – Узбекский язык**

**АВТОРЕФЕРАТ**
**диссертации доктора филологических наук (DSc)**

**Бухара – 2021**

**Тема диссертации доктора филологических наук зарегистрирована в аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2019.3.DSc/Fil180.**

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Бухарского государственного университета (www.buxdu.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

| | |
|---|---|
| **Научный руководитель** | **Менглиев Бахтиёр Ражабович**<br>доктор филологических наук,профессор |
| **Официальные оппоненты:** | **Мухаммедова Саодат Худойбердиевна**<br>доктор филологических наук, профессор |
| | **Каримов Суюн Амирович**<br>доктор филологических наук, профессор |
| | **Хакимов Мухаммадхон Ходжаханович**<br>доктор филологических наук, профессор |
| **Ведущая организация:** | **Термезский Государственный Университет** |

Защита диссертации состоится «___» _____ 2021 года в _____ часов на заседании Научного совета DSc.03/04.06.2021.FIL.72.09 при Бухарском государственном университете. (Адрес: 200118, город Бухара, улица М.Икбола, дом-11. Тел.: +99865 221-29-14; факс: +99865 221-27-07, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного университета (зарегистрирована под номером _____). (Адрес: 200118, город Бухара, улица М.Икбола, дом-11. Тел.: +99865 221-29-14).

Автореферат диссертации разослан «____» _____2021 года.

(Реестр протокола рассылки №____ от «_____»_____2021 года).

**Д.З. Ражабов**
Заместитель председателя Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор филологических наук (DSc), доцент

**Х.П.Эшонкулов**
Научный секретарь Научного совета совета по присуждению учёных степеней, доктор филологических наук (DSc), доцент

**Н.Г.Муродов**
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор филологических наук (DSc), профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (DSc))

**Значимость и актуальность темы диссертации.** В мировой лингвистике ко второму десятилетию двадцать первого века создание языковых корпусов в Интернете является основным средством поддержания определенного языка, расширения области его исследований и демонстрации языковых навыков. В частности, компьютерные технологии, являющиеся великим изобретением двадцатого века, открывают двери широкому спектру возможностей для лингвистики, а также для других областей и ставят важные задачи перед компьютерным языком, появление компьютерной лингвистики имеет решающее значение для успеха естественных языков.

В глобальных языковых исследованиях изучение лингвистического моделирования языка, разработка алгоритмов лемминга слов и тегов, а также электронное использование устных и письменных памятников, образцов духовного наследия, созданных на определенном языке, с целью увеличения использования национального и культурного наследия. Особое внимание уделяется обработке информации с помощью компьютерных технологий, разработке необходимого методического и программного обеспечения для внедрения информационных ресурсов, развития языкового корпуса в Интернете и, исходя из этого, научным и теоретическим аспектам национального языка.

В узбекском языкознании проводились различные исследования по автоматическому переводу, развитию лингвистических основ авторского корпуса, обработке лексикографических текстов и лингвостатистическому анализу. Особый акцент был сделан на «совершенствовании системы образования и увеличении возможностей предоставления качественных образовательных услуг». Учитывая, что повышение международного статуса узбекского языка до уровня мирового языка общения, изучения и преподавание узбекского языка за границей, расширение возможностей и полировка нашего национального языка может быть достигнуто непосредственно через национальный корпус «Теоретические и практические вопросы узбекского национального корпуса». В этом смысле необходимо дальнейшее углубление исследований лингвистических основ текстового корпуса и национального корпуса, технологии создания его программного обеспечения.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан за № УП-4997 «О создании Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои» от 13 мая 2016 года, № УП-4947 «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, № УП-5850 «О мерах по кардинальному повышению престижа и статуса узбекского языка как государственного» от 21 октября 2019 г., в Постановлении Президента Республики Узбекистан за № ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-

исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 г., в Постановлениях Кабинета Министров Республики Узбекистан № ПКМ-984 «Об утверждении положения о Департаменте развития государственного языка» от 12 декабря 2019 года, № ПКМ-40 «О мерах по организации деятельности комиссии по терминам при кабинете министров Республики Узбекистан» от 29 января 2020 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие диссертационного исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан: I. «Формирование и реализация системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-образовательном развитии информатизированного общества и демократического государства».

**Обзор зарубежных исследований по теме диссертации[31].** Исследования по формализации естественных языков и созданию компьютерных моделей их процессоров на основе математического аппарата, изучение корпуса и его типов проводится ведущими мировыми исследовательскими центрами и университетами, в том числе: Принстонский университет (США); Библиографический институт (Германия); Языковой центр Оксфордского университета (Великобритания); Университет Монпелье (Франция); Университет Упсалы (Швеция); Карлов университет (Прага); Институт лингвистических исследований (РАН), Компьютерные лингвистические лаборатории, МГУ им. М.В.Ломоносова (РФ); Южно-Казахстанский государственный университет им. Ауэзова (Казахстан), а также Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Бухарский государственный университет, Каршинский государственный университет, Научно-исследовательский институт языка, литературы и фольклора Российской академии наук (Узбекистан).

Изучение создания корпусов в мировой компьютерной лингвистике началось задолго до того, как появилась наука корпусной лингвистики. Примерами этого являются библейские исследования восемнадцатого века (например, Cruden), словари (Johnson, Oxford English Dictionary, Webster Dictionary), языковая подготовка (частотный корпус Thorndike, 1921) и Quirk Corpus (Survey of English Usage). Первое корпусное строение – это Brown Corpus, построенное в 1960-х годах в Университете Брауна в США. Основываясь на принципах Брауна, Проект Банка Англии и Британский национальный корпус учредили Upsal Corpus (Университет Упсалы, Швеция) (BNC). На основе британских идеалов был создан национальный корпус многих европейских языков (испанского, итальянского, хорватского).

[31] Обзор зарубежных исследований по теме диссертации www.university ofcalifornia.edu, www.harvard.edu, www.indiana.edu, www.uni-bonn.de, www.krugosvet.ru.valentnost, www.scicenter.syntagmatika, www.philol.msu.ru/, https://iling.spb.ru/grammatikon, www.princeton.edu, https://bigenc.ru/linguistics/text/, www.navoiy-uni.uz и др. источников.

Проведено исследование Ноама Хомского по формализации естественных языков и построению компьютерных моделей их процессоров на основе математического аппарата. Шарлотта Тейлор заметила существование общего и особого типов корпусов, что конкретные типы корпуса различаются по жанрам, стилю и периоду, и что обе категории корпусов существуют в диахронической и синхронной формах.

Сегодня в мировой лингвистике проводится ряд исследований по созданию национального корпуса, в том числе по следующим приоритетным направлениям: Польский национальный корпус, Алма-Атинский корпус казахского языка, Восточно-армянский корпус, Таджикский национальный корпус и другие. Чарльз Меер (Cambridge University Press, 2004) предполагает, что методологический подход к конкретным мелкомасштабным исследованиям в корпусной лингвистике также можно назвать корпусом. Дуглс Бибер (Оксфордский университет, 2015) утверждает, что аналитическая технология корпуса должна включать количественные (статистические) и качественные характеристики. М.З.Курди (Великобритания, 2016) делит тематический охват корпусов на сбалансированные типы корпусов на уровне возможностей в соответствии с отраслевой классификацией текстов.

**Степень исследованности вопроса.** Анализ таких тем, как создание национального корпуса в мировой лингвистике, его аналитическая техника и предмет корпусной лингвистики отображены в трудах следующих авторов Г.Луч, Р.Пятровский, Л.Блумфилд, Ч.К.Фрэнсиса, Ч.Ф.Меера, Г.Г.Кучера, Дж.Синклера и М.З.Курди и заслуживают особого внимания[32].

В русской лингвистике проводили целевые исследования в области корпуса В.Г.Бритвин, В.П.Захаров, И.А.Мельчук, А.Б.Кутузов, Р.Г.Котов, Л.И.Беляева, В.А.Чияковский, Е.Недошивина, В.В.Рыков, В.Плунгян изучали большой набор массивных текстов, принципы формирования корпуса, лингвистической базы данных[33].

---

[32] Chomsky N., The logical basis for linguistic theory, Proc. IXth Int. Cong, of Linguists, 1962; Leech G. The State of Art in Corpus Linguistics // English Corpus Linguistics / Aimer K., Altenberg K. (eds.) – London, 1991. – P. 8–29; Блумфилд Л. Язык. – М.: «Прогресс», 1968. – 608 с.; Fries Ch.C. The structure of English. An introduction to the construction of English sentences. – L., 1969; Bongers H. The history and principles of Vocabulary control. – Woerden: WOCOPI, 1947; Френсис Н., Кучера Г. Вычислительный анализ современного американского варианта английского языка. – М., 1967; Синклер Д. Предисловие к книге «Как использовать корпуса в преподавании иностранного языка» / Д.Синклер [Электронный ресурс]. – Режим доступа: http://www/ruscorpora.ru/corpora-infro.html, свободный; Charlez Meyer English corpus linguistics: An introduction. Cambridge University Press, 2004. 168 p.; Mohamed Zakaria Kurdi. Natural Language Processing and Computational Linguistics: Speech, Morphology and Syntax, Great Britain, USA: Wiley-ISTE, 2016, 300 p.

